




ТОШКЕНТ



ШАҲАР
ИЖТИМОЙ-
СИЁСИЙ
ГАЗЕТАСИ

ОЙУШО

Дам олиш
сонида

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

№ 82 (9.274) 1999 йил 16 июль, жума

Сотувда эркин нархда



МУСТАҚИЛЛИК:

8

ЮКСАЛИШ

ЙИЛЛАРИ

Қурилиш

БУНЁДКОРЛАРНИНГ БАЙРАМ СОВҒАСИ

Амир Темур кўчасининг Шахристон бекати ҳудуди тобора ободонлашиб бормоқда. Бу ерда яқин йиллар ичида ҳар бири 90 хонадонга мўлжалланган тўртта турар жой бинолари қад кўтариб фойдаланишга топширилди.

Ушбу манзилда меҳнат қилаётган 3-конвейерли қурилиш бошқармаси бунёдкорлари шу кунларда «Ўзуйжойжамғармабанк» буюртмаси асосида яна бир тўққиз қаватли бино қурилишини жадал суръатлар би-

лан давом эттирмоқдалар. Улар ушбу бинони Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг саккиз йиллиги байрамига совға сифатида ўз эгаларига топширишга аҳд қилишган.

Мақсуд ОРИПОВ.

Саноат

БУЮРТМАЧИЛАР САФИ ОРТМОҚДА

«Подъёмник» ҳиссадорлик жамияти маҳсулотларига бўлган талаб йил сайин ортиб бормоқда. Утган йили бу корхона 2 миллион сўмликдан ортиқ маҳсулот тайёрлаб ўсиш суръатини юз фоиздан ошириб ада этган эди.

Яқинда корхона хизматчилари «ЎЗДЭУ» автокорхонаси, Навоий ва Олмалик кон-металлургия комбинатлари, Тахиятош ГРЭСи буюртмасига асосан уларга белгиланган шартномадаги кўп қувватли кўтариш мосламаларини тайёрлаб берган эдилар. Айни кунларда

улар «Тошметроқурилиш», Энергетика ва электрлаштириш вазирлиги буюртмаларини бажаришга киришдилар. Бу буюртмалар Истиқлолимизнинг саккиз йиллик байрами кунигача ўз эгаларига етказиб берилади.

Қобил ИСОҚОВ.

Қулайлик

ЮНУСОБОДНИНГ ЯНГИ БОЗОРИ

Юнусободнинг 3-даҳасида қад кўтарган бу бозор мустақиллик байрами арафасида ишга туширилади. Ҳозир бу ерда қурилиш билан бир қаторда теъарак-атрофни ободонлаштириш ишлари жадал суръатларда олиб борилмоқда.

Янги бозор эскисидан нафақат кўриниши балки ҳудудий жойлашиши билан ҳам фарқ қилади. Хусусан эски бозор 2,4 гектар майдонни ташкил қилиб, 800 савдо ўрнига эга бўлса, янгиси 3,6 гектар майдонга жойлашиб, 1100 ўриндан иборат бўлади. Барча савдо нуқталари очиқ усулдаги беш па-

вильонда жойлашади.

Ушбу мажмуа қурилишида «Тошкентуйжойинвестқурилиш» корпорациясининг 4-трест қурувчилари меҳнат қилишмоқда. Бунёдкорлар, янги бозор биз қурувчиларнинг Мустақиллик байрамига совғамиз бўлади, дейишмоқда.

Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ.

ЮРТИМИЗ ФИДОЙИЛАРИ



ҲАЁТИНГИЗ ГУЛДЕК ГЎЗАЛ БЎЛСИН

«Инсон қўли гул», дейди доно халқимиз. Ҳа, бу қўллар ҳар қандай мўъжизалар яратишга, атрофдагиларни ҳайратлантиришга қодир. Лекин ана ўша қўллар соҳибининг дилида қилаётган ишига меҳр, касбига садоқат, ўткир зеҳн бўлсагина, ҳурмат-эътибор топади, унинг яратган ҳар бир маҳсулотидан олам қувонади, дил баҳра олади.

«Учқун» масъулияти чекланган жамияти чевари Мовлуда Муқимова ҳам ана шундай ўз касбини эъзозлаб, ҳар бир тикаётган маҳсулоти қатига қалб меҳрини мужассам этиб, жамоада обрў-эътибор қозонганлардан. Ҳали мактаб партасида ўтирганидаёқ тикувчи бўлишни, бежирим ва чиройли либослар тикишни орзу қилган Мовлуда бугун эзгу нияти амалга ошган моҳир тикувчи, меҳрибон устоз.

— Касб сирларини Тошкент политехникумида му-

каммал ўргандим, — дейди Мовлуда Муқимова. — Шаҳримиздаги энг йирик корхоналардан бири саналган «Қизил тонг» корхонаси қошидаги хунар-техника билим юртида ёшларга мураббийлик қилдим. 16 йилдан буён «Учқун»да тикувчи-моторист бўлиб ишлаб келаяпман. 1999 йилнинг Аёллар йили деб эълон қилиниши, хотин-қизларга яратилаётган шароит ва имтиёзлар, кўрсатилаётган ғамхўрликларни Мустақиллигимиз шарофати деб биламан. Мус-

тақиллигимизни мустаҳкамлаш, юртимиз равнақига меҳнатимиз, фарзандларимиз камоли билан муносиб ҳисса қўшиш юртимиз аёлларининг ҳам энг муҳим вазифаларидандир.

Мовлуда Муқимованинг самарали меҳнатлари ўз баҳосини олмоқда. У бир неча марта республика Енгил саноат вазирлигининг Фахрий ёрлиқлари билан тақдирланган.

Энг муҳими эса одамлар ишончи, жамоанинг унга бўлган меҳр-муҳаббатидир.


Шарифа ИЛЁСОВА.

Ҳаётингиз гулдек гўзал бўлсин, дейишади Мовлуда Муқимовага шогирдлари Дилдора Ғофурова ва Нодира Муҳаммаджоновалар. Биз ҳам шу ниятларга тилақдошмиз.

Рустам Шарипов олган сурат.



БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГИ АХБОРОТЛАР



Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов 15 июль куни Оқсарой қароргоҳида расмий ташриф билан мамлакатимизга келган Россия Федерацияси ташқи ишлар вазир Игорь Исаевни қабул қилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонига асосан давлат идораларидаги кўп йиллик самарали хизмати, халқлар ўртасидаги дўстлик, ўзаро ҳамжихатликни мустаҳкамлашга қўшган муносиб ҳиссаси учун Ўткир Султонов «Дўстлик» ордени билан мукофотланди.

«ЎЗДЭУавто» қўшма корхонаси ишга тушганига уч йил тўлди.

Республика «Оила» марказида «Ўзбек оиласининг истиқболи» мавзусида анжуман бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясида халқаро экспертлар иштирокида «Давра суҳбати» бошланди.

Қиймати 1,7 миллион АҚШ долларидан кўпроқ турадиган мурувват юки ортилган самолёт Тошкент аэропортига кўнди. Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги номига келган бу дори-дармонлар АҚШнинг «Қалбдан — қалбга» ноҳукумат ташкилоти, Оила врачлари академияси ва шу академиянинг жамғармасидир.

Ургенчда Маънавият-маърифат вилоят кенгаши тузиш бўйича ташаббус гуруҳининг мажлиси бўлди.

Ўзбекистон Республикаси банк — молия академиясида «Ўзмилийбанк» мутахассслари билан 2000 йил муаммо-

сига бағишланган махсус семинар ўтказилди.

Пойтахтимизнинг Яққасарой туманида илк хусусий меҳмонхона «La Roche» меҳмонлар учун эшиklarини очди.

Ўзбекистон Бадий Академияси Марказий кўргазмалар залида 20 июлда рангташвирчи Раҳмон Шодиевнинг шахсий кўргазмаси очилади.

ЖАҲОНДА

23 июль куни Киевда Украина — Европа иттифоқи саммити ўтказилади. Саммит давомида Украина билан Европа иттифоқи ўртасидаги ҳамкорлик битимини ҳаётга татбиқ этиш масаласи кўрилади.

Кишиневда Молдова Президенти Петру Лучински ва Тираспол маъмурияти раҳбари Игорь Смирнов ўртасида ўтказилган музокараларда томонлар Днестрбўйининг мақоми

бўйича бир тўхтама кела олмайди.

Европа комиссияси Буюк Британиянинг «Бритиш эйрвэйз» авиакомпаниясидан катта миқдорда жарима ундиришга қарор қилди.

Иорданияда навбатдаги сайловга қизгин тайёргарлик кўришмоқда.

Собиқ иттифоқнинг собиқ раҳбари Никита Хрушчевнинг ўғли Сергей Хрушчев 64 ёшида АҚШ фуқаролигини қабул қилди. Род - Айленд штатининг Провиденс шаҳрида бўлиб ўтган маросимда С.Хрушчев рафиқаси билан АҚШга содиқ бўлиши ҳақида қасамёд қилди.

Жаҳон автомобилсозлик тараққиётига муҳим ҳисса қўшган Италиянинг «Фиат» автоконцерни ўзининг 100 йиллик тўйини нишонлади.

Япониянинг «Шарп» компанияси Фарбнинг етакчи электротехника фирмалари билан ҳамкорликда «чўнтак ахборот блоқи»ни сотувга тайёрлади.

Тадбир

МУҲИМ МАСАЛАЛАР МУҲОКАМА ЭТИЛДИ


Яқинда Саноат-қурилиш банкининг Сергели тумани бўлими ва «Фидокорлар» миллий-демократик партияси Сергели тумани Кенгаши билан бирга Сергели туманида фаолият юритаётган тадбиркорлар учун «Банк ва солиқ имтиёзлари тадбиркорларга» мавзусида семинар-машғулот бўлиб ўтди. Унда тадбиркорлик фаолиятини очиб бериш ва уларни қўллаб-қувватлашда банк вазифалари, банк хизматида фойдаланишда мижозларга берилган ҳуқуқлар ҳақида мутахассис ва ҳуқуқшунослар маълумот беришди.

Ҳозирги кунда тумандаги 620 та кичик корхона ва тадбиркорларнинг банкда ҳисоб рақами мавжуд. Булардан 280 таси фаолият кўрсатмапти. Улар орасида ишлаб чиқариш билан 80 та тадбиркор шуғулланади. Семинар жараёнида ишлаб чиқаришга тўсиқ бўлаётган муаммолар кўтарилди. Тадбиркорларнинг фаолиятини янада оширишда банк тизимига алоқадор бўлган масалалар муҳокама этилди.

Бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнини тезлаштиришда тадбиркорлар фаолиятини жадаллаштиришга таъсир кўрсата оладиган кўшимча иш жойларини ташкил қила оладиган, харажатларни қисқа муддатларда қоплай оладиган ва истеъмолчилар эҳтиёжлари ўзгаришларига тез жавоб бера оладиган шaroитлар зарур. Бу ҳақда кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш ҳақидаги Президентимиз фармони, Вазирлар Маъжамасининг шу ҳақдаги қарорларига асосан «Ўзсаноатқурилишбанкнинг» Сергели бўлимида тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ҳамда тадбиркорлик учун иқтисодий ва ҳуқуқий шaroитларни янада яхшилаш мақсадида банк ҳуқуқ маслаҳатчиси Е. Саричева бошчилигида тадбиркорларга ёрдам кўрсатиш борасида маслаҳат гуруҳи ташкил этилди. Тадбиркорлар учун банкда ишонч телефони ўрнатилди. 58-49-31 бу рақам орқали тадбиркорлар ҳар куни соат 17.00 гача ўзларини қизиқтирган масалалар билан мурожаат қилиб маслаҳатлар олиб туриши мумкин. Тадбиркорларга солиқ имтиёзлари ва уларни амалга оширишда солиқ инспекцияси ходимларининг вазифалари ҳақида туман солиқ инспекцияси раҳбарларининг маърузалари тингланди.

Тадбиркорлар солиқ билан боғлиқ барча муаммолар бўйича мурожаат қилиб, тегишли жавобларни олишди.

Баҳодир ХУРСАНОВ.



Шахримизнинг кўркига кўрк қўшаётган гўзал бинолар кундан кунга кўпайиб бормоқда. СУРАТДА: Мирзо Улугбек туманидаги «Буюк Ипак йўли» шоҳқўчасининг кўриниши.

Бу касб эгаларини электр транспорти корхоналари мутахассисларининг яқин ҳамкори дейишади. Бу гапда жон бор, албатта. Чиндан ҳам «Электртранстаъмир» ҳиссадорлик жамияти муҳандис ва техник ходимлари Тошкент шаҳар йўловчилар ташитиш транспорти корхоналари Давлат уюшмасининг йирик заводи сифатида иш бошлаб трамвай вагонларини ва троллейбусларни созиш ишига яқиндан кўмаклашиб келмоқдалар.

Тўғри, дастлабки йилларда корхона таъмирлаш ишларини бажариш билан бир қаторда электр транспорти воситалари учун зарур эҳтиёт қисмларни тайёрлашга ҳам киришди. Кейинчалик автобус саройлари буюртмалари бўйича ҳам эҳтиёт қисмлар ва турли техник воситалар ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилди.

Завод «Электртранстаъмир» очик турдаги ҳиссадорлик жамиятига айлантирилган, иш юришганидан юришиб кетди. Ўша йили маҳсулот ишлаб чиқариш ҳамда хизмат кўрсатиш турлари бўйича 97 миллион сўмлик иш бажарилди.

Корхонанинг фаолият доираси кенгайиб борди. Жойлардан кўплаб буюртмалар ҳам кела бошлади.

— Ўзингизга яхши маълумки, 1997 йилда Жиззах шаҳрида янги троллейбус йўллари қурилди, — дейди жамият бошқаруви раиси Шомохуд Шоёқубов. — 10 километрлик масофада бунёд этилган бу йўналишни электр таъминоти ва турли энергия тармоғи воситалари билан қуролантириш билан эса бизнинг жамоамиз бевосита шуғулланди.

Хива шаҳрининг юбилейи му-

носабат билан Хоразмда троллейбус қатнови йўлга қўйилди. Урганч — Хива йўналиши бўйича бунёд этилган 72 километрлик масофада янги троллейбус йўлига энергия тармоғини ўтказиш ишлари ҳам жадал олиб борилди. Бу жараён жуда қисқа муддатда — бор-йўғи икки ярим ой ичида амалга оширилди. Бундан буюртмачилар жуда мамнун бўлишди.

Бу хилдаги буюртмалар кўшни республикалардан ҳам олинмоқда. Масалан, биз Туркманистон электр транспорти ташкилоти билан ҳамкорлик шартномасини туздик. Ашхабод шаҳрида янги қуриладиган троллейбус йўли электр тармоғини ўрнатишни жамоамиз ўз зиммасига олди. 12 километрдан иборат бу троллейбус йўлини зарур электр-техник мосламалар билан таъминлашга ҳам киришдик.

«Электртранстаъмир» ҳиссадорлик жамияти цех ва участкаларида техник ижодкорликка ҳам катта аҳамият берилмоқда. Транспорт йўлларини ёритиб турвчи замонавий мосламаларнинг қатор янги турлари намуналари ҳам ихтиро қилинди. Махсус ёриткичларни ишлаб чиқаришга ҳам муваффақ бўлинди. Бунинг учун техника янгилиги изловчилари шу хил ёриткич билан боғлиқ каталоглар билан танишиб, турли чизмалар устида ишладилар. Бу хил қурилманинг миллий безак нусхалари ҳам таклиф қилинди.

Бу самарали изланиш Тошкент шаҳар Бош архитектура бошқармаси томонидан ижобий баҳоланди ҳамда саноат асосида ишлаб чиқаришга рухсат олинди. Замонавий техник кўринишдаги ёриткичлардан 500 га яқини тайёрланди. Улар Ўзбекистон Муштақилигининг саккиз йиллиги арафасида ишга тушадиган сайилгоҳларга ўрнатилади.

«Тошшаҳарнур» ташкилоти буюртмаси ҳам ўз вақтида сифатли қилиб адо этилди. Кўчаларга ўрнатиладиган ёриткичларни тутиб туривчи мосламалардан бир мунгачи етказиб берилди.

Электртранспорти таъмирловчилари изланишлари билан яна қатор техник янгиликлар амалга оширилмоқда.

Акбар АЛИЕВ.

Транспорт

БУЮРТМАЛАР ЎЗ ВАҚТИДА БАЖАРИЛЯПТИ

носабати билан Хоразмда троллейбус қатнови йўлга қўйилди. Урганч — Хива йўналиши бўйича бунёд этилган 72 километрлик масофада янги троллейбус йўлига энергия тармоғини ўтказиш ишлари ҳам жадал олиб борилди. Бу жараён жуда қисқа муддатда — бор-йўғи икки ярим ой ичида амалга оширилди. Бундан буюртмачилар жуда мамнун бўлишди.

Бу хилдаги буюртмалар кўшни республикалардан ҳам олинмоқда. Масалан, биз Туркманистон электр транспорти ташкилоти билан ҳамкорлик шартномасини туздик. Ашхабод шаҳрида янги қуриладиган троллейбус йўли электр тармоғини ўрнатишни жамоамиз ўз зиммасига олди. 12

Яқинда Ўзбекистон телевидениесининг олдидagi газета соловчи дўкандор киши билан гаплашиб қолдим. У кишидан «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» ҳамда «Кўзгу» ҳафтаномаларини сўраган эдим. «ЎЗАС»нинг охиригини олиб берди.

— «Кўзгу» ҳозир туғади, илгари бу газета жуда кам кетарди, ҳозир тез сотилиб кетмоқда, «Кўзгу» яқиндан бошлаб яхши қоғозда босилмоқда. Уларга кўз югуртириб кўрсам қизиқарли мақолалар ҳаммаси. Бундан ташқари республикамизнинг ҳамма телеканаллари, ҳамда киникувчилар учун МДХ давлатларининг айрим телеканалларининг ҳам дастурлари нашр қилиниши ўқувчилар диққатини тортади», — деди.

Дарҳақиқат, бу суҳбатдан кейин газетанинг сонларини қизиқиб қузата бошладим. 1999 йил, 20 майдаги 15(223) сонини синчиклаб ўқиб чиқдим: Янги рукн «Маънавият соатингизда», унда «ТУРОН ЗАМИН ЮЛДУЗЛАРИ» туркумидан қадриятимиз ва маънавиятимизнинг улғу сиймоларидан бири Мусо ал-Хоразмийдан бошлабди. Бу жуда улғу ёритиш деб билдим. Зеро, университетимиз, институтларимиз, мактабларимиз, маҳалла ва ташкилотларимизда ўтказилаётган «Маънавият соатлари»да борган сари тикланаётган қадриятларимиз ҳақида қисқача қомусий маълумот билан таъништириш газетанинг ўқимишлили-

Муносабат

«КЎЗГУ»ГА ҲАМ БИР ҚИЁ БОҚИНГ

гини ошириш билан бир қаторда қирқиб олиб зарур бўлган вақтда фойдаланишга ҳам имконият яратди. Мақола охирида келгуси сониди қайси улғу инсон ҳақидаги хабари ҳам ўқувчини қизиқтириб келгуси сонга етаклайди. Бу улғу сиймолар ҳақидаги мақолалар вақти-соати билан газетанинг олтин сандиқига айланиб қолади, менимча. Худди шунингдек, тажрибали журналист Юсуф Бердиевнинг «ФАХР ВА ДАЪВАТ» мақоласида «Тасвирий ойна» ижодий уюшманинг қилаётган ажойиб ишлари ҳақида маълумот бериши ва муаммолари ҳақида тўхталиб ўтиши ўқувчиларга яхши озуқа беради. Нимасини айтасиз «Тасвирий ойна» халқимизга тақдим этаётган йўл четидagi панно-расмлар миллатимизнинг руҳини кўтариб, гурурини оширмоқда. Собик шўролар вақтида ўзбекни тасвирламоқчи бўлса тиши тушиб, оғзи ўрадай очилиб қолган кўк эшак минган ғариб чолу орқасидан яёв чопиб келаётган анқайган анқовроқ боланинг сурати чизилиб тарқатилар эди. Айниқса ўзбекининг манман деган олиму адибларига марказдан келган олифта йигитча ақл ўргатиб турган сурат ва расмларга газеталарнинг безағи эди. «Тасвирий ойна» муштақилигимиз ойнаси бўлиб, миллатимизни қаддини тик туриб, гурур билан қадам ташлашимизга давват этмоқда. Шу фалсафий фикрни мақола муаллифи яққол акс эттира олганлиги билан эътиборга лойиқ.

Қадрият — бу ҳикмат, бу — иборат. Бу ўринда Раъно Раҳмон қизининг «Жалолиддиннинг синглиси» мақоласида Жалолиддин Манғуберди аканинг синглиси малика Султонбегим сочини турмақлаб, қўлига қилич тутиб, акасининг ёнида қаттол душман билан жанг қилиши юртимиз аёлларининг Тўмарис қабиларининг бардавонлигини, ўзбек аёлларининг жасорат ва донишмандликлари узок ўтмишларга бориб тақалишлигини кичик бир мақолада чиройли тасвирлаб берган. Газета саҳифасида танилиб ёзувчи Жонрид Абдуллахоновнинг «Бир лўкма ош оғизда қолди», истеъдодли шоир ва ёзувчи, раҳматли Анвар Эшонов ҳақидаги хотира лавҳаси газетхонни лоқайд қолдирмайди. Бу мақоланинг сўзбосида ўзбек радиосида вояга етган халқимизнинг атоқли сиймолари Юнус Ражабий, Дони Зокиров, Имомжон Икромов, Туроб Тўла, Улмас Умарбеков қабиларини эслаб ўша давр истеъдодларини дил дафтаридан бир-бир варақлаб ўқувчининг ёдига солади. Мустабид тузум даврида ижодкорларнинг титроқ турмуш тарзи акс этади. Газетанинг «Хангомалар» рукни остида Карим Раҳимнинг «Бедана қабоб» ҳажвияси ҳам қизиқарли чиққанлиги билан эсда қолади.

Шундай ранг-баранг материаллар билан босилиб чиқаётган «Кўзгу» ҳафтаномаси негадир телевидениедаги газета шарҳловчиларининг эътиборидан ҳамон четда қолиб келмоқда. Мен газетхон сифатида хурматли шарҳловчилар, «Кўзгу»га ҳам бир қиё боқинг, дегим келади.

Ҳайдар МУҲАММАД.

Танловлар

АВИАЦИЯМИЗ БИЛИМДОНЛАРИ

Маълумки, жаҳон мамлакатлари билан халқаро алоқаларнинг ривожиди авиациянинг ҳам ўзига яраша ўрни бор. «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси ташкил этилганидан кейин маҳобатли ҳаво кемаларимизнинг бутун дунё мамлакатлари бўйлаб парвозлари ташкил этила бошлади, кўплаб янги халқаро йўналишлар очилди. Ҳозир «Ўзбекистон ҳаво йўллари» белгиси туширилган замонавий самолётларни ер қуррасининг деярли барча қитъаларида учратиш мумкин.

Куни кеча «Ўзбекистон қанотлари» газетаси ва Ўзбекистон телевидениесининг «Ёшлар» телеканали ҳамкорлигида юртимиз авиацияси тарихи, унинг ўзига хос

ютуқларини тарғиб этишга бағишланган «Сиз авиацияни биласизми?» викторинасининг ғолиблари аниқланди.

Ўттиз имкониятдан 28,5 балл тўплашга муваффақ бўлган Маликжон Ҳожиёв ва Толибжон Келдиевлар танлов ғолиблари деб топилди ва хориж давлатига ҳаво кемасида бепул сафар қилиш ҳуқуқини қўлга киритишди. Иккинчи ўринни Д. Абдуҳолиқова ва А. Тожибоевлар эгаллашган бўлса, К. Тўйчиев, А. Убайдуллоев ва А. Рафийевлар учинчи бўлишди. Совриндорлар ҳам МДХ ва республикамиз шаҳарларига бепул саёҳат қилишади.

Дилшод ИСРОИЛОВ,
Эъзога ДАДАМАТОВА.



Ижарадаги Тошкент матбаа корхонасининг компьютерда харф териш цехи оператори Людмила Ильиних ўзининг билими, меҳнатсеварлиги билан ҳамкасблари ҳурматини қозонганлардан. У ўз вазифасини сидқидилдан бажариб, жамоа ютуғига муносиб ҳисса қўймоқда.

АДАБИЁТ ВА САНЪАТ

Хар кун тонгда офтоб чиқишини кузатганмисиз?! Кўшнинг заррин нурлари уфқ бағрини ёритиб, бутун теварак-атроф мунаввар бўлиб кетган тонг гўзаллигини таърифлаша сўз топиш қийин. Табиатдаги жамики наботот ва ҳайвонот олами борки, бари нурга интилиб, зиёга талпиниб яшайди. Офтобнинг ҳаётбахш нуридан баҳра олган ҳар бир гиёҳ, ҳар бир ниҳол, ҳар бир дарахт кўш ҳароратининг мўтабар қудрати билан ўсиб, улғаяди. Зеро нурда оламнинг мангулигини таъминлайдиган боқий қудрат мужассамлашган. Умрини илм излаша, ўз тадқиқотчилари билан маърифат аҳлининг дилини мунаввар қилишни бахт деб билган олимларни ҳам нурга, зиёга қиёс қилгим келади. Чунки гиёҳлар офтоб нурининг сирли оламига талпингани сингари инсон ҳам ҳаммаша илм-маърифат хазинасидан бахраманд бўлиш орзуси билан яшайди. Ўзбек шарқшунослиги ва адабиётшунослиги хазинасидаги илм жаҳоҳдилари шодасини бебаҳо тадқиқотлар инжуси билан бойитган захматқаш ва фидойи олимлардан бири ЎЗР ФА мухбир аъзоси, филология фанлари доктори, профессор Неъматулло Иброҳимовдир.

Йирик фан ташкилотчиси, ажойиб мураббий ва истеъдодли шарқшунос олим Н. Иброҳимовнинг илмий-ижодий фаолияти кўп қирралидир. У ўзининг илмий изланишлари жараёнида ўрта аср араб халқ адабиётининг жанрлар тизими, фольклор ва ёзма адабиёт муносабатининг назарий асослари, араб халқ сийраларининг сюжет қурилиши, асосий мотивларнинг тарихий асослари ва образлар силсиласининг ўзига хос бадиий талқинларини тадқиқ этишни

либ, илмий жамоатчиликка манзур бўлган бу тадқиқотда сийра жанрининг араб адабиёти тараққиётидаги ўрни, сийра сюжет қурилишининг ўзига хос бадиий хоссалари, сийра мотивларининг тарихий илдилари хусусида кенг қўламли назарий умумлашмалар баён қилинган.

Н. Иброҳимовнинг илмий-ижодий фаолиятида ўлкамиз тарихига доир қадимий ёзма манбаларни тадқиқ ва тарғиб этиш алоҳида ўрин тутди. Хусусан, XIV асрда яшаган маш-

**Беруний номидаги Республика
Давлат мукофотига номзодлар**

ЗАХМАТҚАШ ВА ФИДОЙИ ИНСОН

бош мақсад қилиб олди.

Олим 1974 йилдан буён араб халқ адабиётининг энг оммавий ва бадиий жиҳатдан мукамал жанрларидан бири — сийра ёки халқ қиссаларини тадқиқ этиш билан изчил шуғулланиб келмоқда. Халқ қиссаларининг ўзига хос жанр белгилари, сюжет таркибининг генезиси, шаклланиш тарихи ва эпик тараққиёт босқичлари хусусида жиддий назарий мулоҳазаларни баён қилди. Араб халқ қиссалари — сийрат жанрининг юзага келиш тарихи ва манбаларини бой фольклор материаллари асосида ўрганган Н. Иброҳимовнинг «Араб халқ романи (сийра)нинг композицияси», «Араб халқ сийралари образлар тизимининг фольклордаги замини ва тадрижий ривожини», «Араб халқ сийраларининг тили ва услуби», «Араб халқ романларини ўрганишнинг баъзи бир масалалари», «Араб халқ сийраларида сажъли наср», «Синонимик жуфтликлар ва уларнинг араб халқ насридаги бадиий ўрни» каби илмий мақолаларида араб халқ китобларининг бир қатор назарий муаммолари ўзига хос тарзда ҳал қилиб берилган. Ўзбек олимнинг самарали изланишлари натижасида «Сийрат Антара», «Сийрат Али Зибак», «Далила ва Али Зибак», «Сийрат Зоҳир Байбарс», «Қиссат аз-Зир Золим», «Тарғиботи Бани Хилол», «Сийрат Зоту-л-Химма», «Сийрат Сайф Зу-Язан», «Сийрат Ҳамза ал-Пахлавон» сингари халқ китоблари филологик нуқтаи назардан мукамал таҳлил қилинди.

Олим араб халқ сийраларининг композицияси, халқ қиссалари қахрамонларининг эпик талқини, сийра жанрининг бадиий тақомилида поэтик ўрнини ўрганиш борасидаги изланишларини давом эттириб, «Ўрта аср араб халқ адабиёти» номли йирик монографик тадқиқотини яратди. Рус ва ўзбек тилларида нашр эти-

хур араб сайёҳи Ибн Баттутанинг Ўрта Осиё бўйлаб қилган саёҳати давомида ёзган йўлномаси ҳам шу олим томонидан атрофлича ўрганилган. «Ибн Баттута саёҳати» ўлкамиз тарихи, XIV аср маданияти, ижтимоий-сиёсий ҳаёти, халқ анъаналари ва адабиёти хусусида тўла маълумот бера оладиган мўтабар манбалардан биридир. Н. Иброҳимов Ибн Баттутанинг ҳаёти ва саёҳатчилик фаолияти, у ёзиб қолдирган тарихий-жўғрофий манбаанинг илмий аҳамияти, асарнинг тузилиши, тили ва унда қайд қилинган ижтимоий, адабий, жўғрофий, диний, иқтисодий тушунчаларнинг моҳияти талқинига доир бир неча илмий мақола ва монографияларини нашр қилди. Айниқса, «Ибн Баттута ва унинг Ўрта Осиё саёҳати» монографияси мавзунинг чуқур таҳлил этилганлиги, янги манбаларни оммалаштирилганлиги, илмий талқиннинг кенг қамровлиги билан алоҳида ажралиб туради.

Араб жўғрофий адабиётининг шаклланишида алоҳида ўрин тутадиган «Ибн Баттута саёҳатлари» қўлёзмаси илмий ўрганилиб, Н. Иброҳимов томонидан арабчадан рус тилига ўгирилиб, 1996 йилда изоҳлар билан нашр этирилган, 1993 йилда ўзбек тилида, шу йил инглиз тилида нашр қилинди.

Н. Иброҳимов йирик шарқшунос, араб адабиётининг теран тадқиқотчиси, манбашунос ва араб халқ ижодиёти намуналарини маҳорат билан ўзбек ҳамда рус тилларига ўгирган мутаржим сифатида илмий жамоатчилик эътирофига сазовор бўлган. Домланинг Абу Райхон Беруний номидаги Республика Давлат мукофотига номзод қилиб қўйилганлиги унинг кўп йиллик самарали меҳнатига берилган муносиб баҳо дур.

Ш. ШОМУСАРОВ,
филология фанлари доктори.



Касбга бўлган меҳр болаларда ёшлиқдан бошланади. Ким санъаткор бўлишни, бошқа биров эса шифокорликни ёқтиради. Мана бу кичкинтойлар эса пластилиндан турли шакллар ясашни ўзларининг сеvimли машғуллари деб билишади. Шундай экан, келажакда улардан таниқли ҳайкалтарошлар чиқмайди, деб ким айта олади.
Равиль Альбеков сурат лавҳаси.

БОЛАНИНГ ТИЛИ ШИРИН

— Дада арини нега асал ари дейишади?

— Чунки у чиройли-чиройли гуллардан асал йиғиб беради бизга.

— Нега унда қовоқ ари қовоқ йиғмайди?

— Амаки сувингиздан ярим стакан қуйиб беринг?

— Нега энди бир стакан эмас, ярим стакан?

— Барибир стакани тўлдириб бермайсизку.

Ойиси ўғлига деди:

— Анвар, бор қўшниникидан сут олиб чиқ.

Бироз ўтгач Анвар сигирни етаклаб кирди.

— Вой, мен сенга сут олиб чиқ десам, нега сигирни етаклаб чиқдинг.

— Сут олиб чиқишга идишим йўқ эди-да.

Она ўғлига:

— Ўғлим, агар пианинода яна озгина ўйнасанг, эскимо олиб бераман.

Ўғил:

— Дадам агар пианинода ўйнамасанг иккита музқаймоқ олиб бераман дедилар.

Шаҳноза ИНОҒОМОВА
тайёрлади.

Кечаси билан гўё михга ағдарилдим. Бемаҳалда кичкирган хўроздек босинқираб уйкумда бир неча бор додлаб юборибман. Хар сафар хотинимнинг «туринг-туринг» деб турткилаши билан ўзимни босдим. Қизиқ, ёстиққа бошимни қўйишим билан отдек ит орқамдан қувлагани-қувлагани. Қочмоқчи бўлман-у лекин оёқларим сира амримга бўйсунмайди. Ит югуриб келиб почамдан олади.

Йўқ бўлмади. Ўрнимдан туриб ўтирдим. Уйкум қочди. Дод-войимдан тинчиган хотиним энди баралла хуррак отди.

Бирдан ташқарида қаттиқ шамол бошланди. Нимадир тарақлаб синди. Хотиним кўзини очди.

— Ҳа, дадаси. Нега ухламаяпсиз?

— Ёмон туш кўрибман, — тўнғилладим.

— Тушингиз курсин. Яна мени биров билан қўл

СОПИ ЎЗИДАН ЧИҚДИ

Ҳажвия

ушлашиб юрганимни кўргандирсиз-да, — карашма қилди у.

— Йўқ, бугун бошқа нарсга кўрдим.

Узуқ-юлуқ гаплардан сўнг тўсатдан яна хотинимнинг «бош оғриғи» кўзиди. «Вой бошим»лаб ётган одам кўп ўтмай хуррак бошлади.

Бу тушинг таъбири нима? Бейхитёр бир ҳафта олдин мудир билан бўлиб ўтган олди-қочди сўзларни эсладим. Ўша кун ишга келсам дўконга мол келибди. Таъминотчи йигит бир машина «Тошкент» арогининг ҳар бир шишасига одатдагидек нақд 10 сўмдан қуртдек қилиб санаб олди.

Тавба, уларга ҳайронсан. Нима олиб келса қўлингга қарайди. Ҳатто бир машина туз учун белгиланган суммани тўлашинг керак. Ахир бунақада бир кунмас бир кун чувимиз чиқиб қолиши билан ҳеч кимнинг иши йўқ. Мудир бўлса бепарво нукул сопини ўзидан чиқаришни уқтиради. У билан очиқча гаплашмоқчи бўлиб олдига кирдим.

— Келинг, йигитнинг гули, — дея қарши олди мудир.

— Қалай, ишлар яхшими?

— Шу Таваккал ака менга бу иш ёқмай турибди. Ахир қачонгача сопини ўзидан чиқарамиз. Борди-ю...

— Эй, оғзингиздан ел учирсин-ей. Кўп ваҳимачи бўлманг. «Йиртиғингизга ямоқ» бўлиб ёнингизда турибмиз-ку. Бир иш бўлса қўл қовуштириб турмасмиз. Бўрини еса ҳам, емаса ҳам оғзи қон ука.

У бир зум жим қолди. Сўнг устара билан тозалаб қиртишланган бошини силаб, қийқириб қулиб юборди.

— Тузуқроқ уста кўрмагансиз-да мулла Тўра-хон, уста кўрмагансиз? Бўлмаса нонни ёғ билан ейсиз-а? Савдо иши шунақа-да. Эвлаган кун кўради. Уни олиб бунга урасиз, бунга олиб унга.

Мана шунда нонингиз бутун бўлади.

Мудир гапга тушиб кетди.

— Менга қаранг, — деди у ниҳоят.

— Сиз ишлаётган вино-ароқ бўлими энг сердаромад жой. Сизга ишониб мана шундай ёғлиқ жойни топшириб қўйибмиз. Очиғини айтганда, ишончимизни кўнгилдагидек оқламайсиз. Хафа бўлманг-у тажрибангиз анча камга ўхшайди.

Мудирнинг бу сўзлари «боринг ишдан бўшадингиз» дегандек туюлди менга. «Хар ерни қилма орзу, ҳар ерда ҳам бор тошу тарозу» деб ўйладим. Ахир ўзи айтаяпти-ку бир гап бўлса қараб турмаймиз деб. Сопини ўзидан чиқарсам чиқара қолай.

Шу хаёлларда тонг отганини ҳам билмай қолибман. Эр-хотин тўрсайиб ўрнимиздан турдик. Ўз ўлганим етмагандек хотиним нукул пичинг, таъна қилади. Болаларни «отанга ўхшамай ўлларинг», деб бир пиёла чойни ҳам заҳар қилди. Чидаб туролмадим. Ҳали ишга эрта бўлишига қарамай эшикни тепиб чиқиб кетдим. Менга жавобан ичкарида нимадир шарақлади. Кейин синди. Ишхонага боргунча у билан неча бор ажрашиб, яна ярашдик.

Иш билан овуниб кетдим. Харидорлар сероб бўлди. Бири кириб, бири чиқиб кетди. Енг шимариб ишга киришдик. Мудир билан бўлган ўша мазмунли суҳбатимиздан сўнг анча «пишиқ» бўлиб қолганман. Пештахтада оддий ароқ ва жўнгина винолар қолган. Ноблари унинг тагидан жой олган. Битта «Тошкент» арогининг нархи 300 дан сал ошади, мен «сахий» харидорларга 400 дан ошириб пуллайман. Пештахта тагидан оғиз очмай қўя қолай. Мўмай даромадни кўриб «отанга балли, мудир», дейман ичимда.

Савдо ёмон бўлмаётгандек. Бироқ кўз тегди. Кечки пайт дўконга иккита кўримсизгина йигит елка қисиб кириб келишди. «Шуларда бир гап бўлса керак» — деб ўйловдим ўзим ҳам. Тавба. Йўқ дейишимга қарамай ялиниб-ёлвориб тўрт шиша «Тошкент» дан харид қилишди. Шишасига хайриятки 400 дан олдим. Бирдан ҳужжатларини кўрсатишса бўладими?

Мудирнинг хонасига кирдик. У воқеани дарҳол сездим шекилли, менга қараб кўз сикди. Лекин унинг мақсадини тушунолмадим.

Ҳаммаси ёзиб чиқилди. Ўқиб чиқилгач «тўғри-ми» дея менга мурожаат қилишди йигитлар. «Тўғри» дедим чор-ночор. Мудир қисқа йўталиб қўйди. «Бўлмаса қўл қўйинг», дейишди.


— Ахир, ахир... Илтижо билан олдин мудирга, сўнг уларга тикилдим. Бўлмади. Ниҳоят титраб-қақшаб имзо чекдим. «Ўзимиз чакиртириб оламиз», деб йигитлар чиқиб кетишди. Лол бўлиб қолдик. Негадир шу чоқ хотинимнинг эрталаб болаларни «отанга ўхшамай ўлларинг», деган қарғашини эсладим. У бунга нима маънода айтганини билмайман-у лекин хотинимнинг сўзи ҳақ. Мен нима бўлса бўлдим. Лекин болаларим менга ўхшамасин.

— Нима иш қилиб қўйдингиз? — мудирнинг ўшқиригидан ўзимга келдим.

— Нима қилардим устажон. Ўзингиз айтгандек сопини ўзидан чиқардим.

Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ.

ҲАФТАЛИК КЎРСАТУВЛАР



ДУШАНБА, 19

ЎЗТВ I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.40 «Тахлилнома».

8.40 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 8 йиллигига. Телевизион фильмлар кўриги. «ЎзДЭУ Асака».

9.05 «Ўзлик». Бадий-публицистик курсатув.

9.35 «Лирик тароналар».

10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.

Болаларнинг ёзги таътил кунларида:

10.05 «Шумтакалар». Мультсериал.

10.20 «Олтин тож». Телевизион уйини.

10.40 «Эртақлар — яхшиликка етаклар».

11.20 «Хайвон ўргатувчилар». Киска метражли бадий фильм.

12.05 «Шохрух» клуби.

12.35 «Оламга саёхат».

12.55 «Хамма кириши шарт... эмас». Мусикий дам олиш дастури.

14.10 «Қонун ва биз».

14.40 «Етгил камолга». Спорт дастури.

15.00 «Бировнинг хати». Бадий фильм.

16.30 Ўзбекистон телерадиокомпанияси камер оркестрининг концерти.

17.00 «Ўйла, изла, топ».

17.35 «Сўнги пушаймон».

18.10 ЎзТВ экранда биринчи марта. «Денгиз итлари». Мультсериал. 12-серия.

18.35 «Орзулар қанотида».

18.50 «Бир жуфт кўшк».

19.05 «Мувозанат». Ахборот-таҳлилий курсатув.

19.20, 19.55, 20.25, 21.00, 21.40 Эълонлар.

19.30 «Ахборот» (рус тилида)

20.00 Биржа ва банк хабарлари.

20.10 Оқшом эртақлари.

20.30 «Ахборот».

21.05 «Муҳаббат соғинчи». Мусикий дастур.

21.45 «Кусто командасининг сувошти саргузаштлари». Телесериал. 65-қисм.

22.35 «Хамкорлик ришталари».

22.55 Маънавият дастури.

23.55 «Ахборот».

00.25 «Мен билган, билмаган дунё».

00.50 «Мис фаришта». Бадий фильм.

02.20-02.25 Ватан тимсоллари.

ЎЗТВ II

18.00 Кўрсатувлар дастури.

18.05 «Янги авлод» студияси номойиш этади («Кўнвоқ учрашув», Мультфильм)

18.40 «Ақл ёшдамас».

18.55 «Мусикий лаҳза».

19.00 «Давр». Ахборот дастури.

19.30 «О, ёшлигим».

19.50, 20.30, 23.30 Эълонлар.

19.55 «Ешлар» телеканали номойиш этади: «Мерос. Леонардо да Винчи». Кўп қисмли телевизион бадий фильм.

20.35 «Жаҳон». Халқаро шарҳ.

20.55 Мусикий лаҳза.

21.0 «Давр» ахборот дастури

21.30 «Муносабат».

21.55 «Душанбада кўришгунча»

22.15 «Худуд». Сижжак кишлоғи.

22.40 «Сурур». Мусикий дастур.

22.50 «Халқ».

23.10 «Олам футбол».

23.35 Синема. «Инспектор Морс».

01.25 «Хайрли тун!»

ЎЗТВ III

17.55 Кўрсатувлар дастури.

18.00, 21.30, 22.30, 23.30 «Пойтахт». Ахборот курсатуви.

18.10 «Ерилтош». Мульттўплам.

18.25 «Сен ҳақингда ва сен учун».

18.40 «Жаҳон жўррофияси».

19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.

19.30 «Ахборот» (рус тилида)

20.00 «Бурч ва масъулия».

20.15 Телефакт.

20.30 «Ахборот».

21.05 «Халқ саломатлиги йўлида».

21.45 «Спорт-тайм».

22.10 «Биз сизга бахт тилаймиз».

22.45 «Морена Клара». Телесериал.

23.45 Оҳанглар ва эълонлар.

23.55 Саргузашт фильмлар экрани.

01.30 «Хайрли тун, шахрим!»

ЎЗТВ IV

14.00-15.05 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ.

15.05 Кўрсатувлар тартиби.

15.10 «СНН. Жаҳон янгиликлари» (инглиз тилида)

15.40 «Дурдаршан».

15.55 «Клип-антракт»

16.00 «Севги йўлида». Телесериал.

17.00 «Мультчархпалак». Ака-ука Гримм эртақлари. «Ёзги ва киши боғ». 1-серия.

Россия жамоат телевидениеси.
17.15 «Графиня де Монсоро». Кўп серияли бадий фильм.
18.15 Душанба кўни Познер билан. «Биз» дастури.
19.00 «Мисс Марпл». Детектив сериал.
20.00 «Время».

20.35 «Индаба». Телесериал.
21.25 «Оламда нима гап?». Ахборот курсатуви.
21.30 «Спорт клуб».
21.45 «Вақт ҳазинасидан».
22.00 «Вести».
22.30 «Клип-антракт».
22.40 Киносеанс. «Орзуга айб йўқ». Бадий фильм.
00.05 «Ахборот» (рус тилида).
00.30 Тунги сеанс: «Кўрқув юзи». Бадий фильм.
02.05 «Тунингиз осуда бўлсин!»

30-КАНАЛ

Соат 15.00 га қадар профилактика.
15.05, 18.00, 19.50, 00.30 — «ТВ-хамкор», «Метеохабар».
15.30 «Эсдалик учун дастхат». Мусикий дастур.
16.00 «Карапуз-ТВ».
16.25 «Фақат хотин-қизлар учун». Тележурнал.
16.50 «Эхтирослар асирлигида». Телесериал (Мексика).
17.35 «ҲИП» студиясининг меҳмони.

18.25 «Ошиқона». Мусикий дастур.
18.40 «Сенсиз яшай олмайман». Телесериал (Мексика).
19.25 Спорт шарҳи.
20.20 «Клип-совга».
21.30 «30-канал»да киноқошом.
23.10 «Марлоу детективи». Сериал (АҚШ).
24.00 «XL-music». Мусикий-дам олиш канали.

РЖТ

ҲУРМАТЛИ ТЕЛЕТОМОШАВИНЛАР!

Профилактика муносабати билан каналда соат 14.00 гача танаффус.
14.00, 17.00, 00.35 — Янгиликлар.
14.15 «Гарри — қор одам». Комик сериал.
14.40 Мультсеанс.
14.55 «Ўлдузи онлар».
15.30 «...16 ёшгача ва ундан катталик курсатув».
16.00 «Севги йўлида». Сериал.
17.15 «Графиня де Монсоро». Кўп серияли фильм.
18.15 Душанба кўни Познер билан. «Биз» дастури.
19.00 «Мисс Марпл». Детектив сериал.
20.00 «Время».
20.40 РЖТда XXI фестивал. «Боши кўкка етгунча» фильми.
22.15 Футбол шарҳи.
22.45 РЖТда XXI фестивал. «Маънавият» фильми.

РАТ

Соат 15.00 га қадар профилактика.
15.00 «Думбо». Болалар учун ҳужжатли фильм (Венгрия).
15.15 «Музыка, музыка...».
15.30 «Биринчи бўсалар». Телесериал.
16.00, 19.00, 22.55 — «Вести».
16.30 «Минора».
17.10 «Гомеопатия ва саломатлик».
17.15 Маргарита Терехова, Эммануил Виторган, Николай Караченцов ва Светлана Том «Такводор Марта» мусикали комедиясида. 1-серия.
18.25 Балиқ ови ҳақида мулоқотлар.
19.30 «Тафсилотлар».
19.40 «Бир боқишда муҳаббат».
20.20 Андрей Ростоцкий «Эркаклар давраси» жангари фильмида.
21.35 «Ақна матата».
22.40 «Навбатчи қисм».
23.35 «Рус лотоси».

ТВ-6

9.05, 18.25, 01.10 — «Диск-канал».
9.40, 19.15, 00.35 — «Йўл назорати».
10.00, 12.00, 14.00, 16.00, 19.00 — «ТСН-6».
10.10, 00.55 — «Кимки».
10.25 «Юлдузлар юлдузлар ҳақида»: Катя Лель.
10.50, 13.55, 15.50, 16.50 — «Харидингиз учун ташаккур!» теледукони.
11.00 «Обозреватель» таҳлилий курсатуви.
12.10 «Хафта можаролари».
12.35 «Обоз».
13.25, 17.30 — Мультфильмлар.
14.10 «Мазаси оғзингда қолади» курсатуви.
14.35 «Найтмен». Сериал.
15.20 «Сиз — шохидоиз».
16.40 «Оддий Мария». Сериал.
17.55 Усмирлар учун сериал. «Тайёрмисиз ёки йўқ».
19.30 «Оловдаги Грейс-II». Ҳажвий сериал.
19.55 «Шажара-II. Колби оиласи». Сериал.
21.00 Шу куннинг янгиликлари.
21.30 «Президент пойгалари» Халқ-сиёсий уйинлари.
22.25 «Одамлар орасида».
22.55 ТВ-6 кинотеатри. «Чақмоқлар ҳукмрони». Триллер.
00.45 Шу куннинг олти янгилиги.

СЕШАНБА, 20

ЎЗТВ I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот».
8.30 Республика газеталарининг шарҳи.

ЎЗТВ II

8.45 «Сайхун тароналари». Мусикий дастур.

9.10 «Кусто командасининг сувошти саргузаштлари». Телесериал. 65-қисм.

10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.

10.05 Янги алифбони ўрганамиз. Болаларнинг ёзги таътил кунларида:

10.25 «Шумтакалар». Мультсериал.

10.55 «Болаларга бахшида умр».

11.10 «Мақтублар — кабутарлар».

11.40 «Кичкинтоймиз-гизинг-тоймиз».

12.05 Кундузги сеанс: «Койилмақом жиноят». Бадий фильм.

13.35 «Кишлоқ ҳаёти».

14.10 «Денгиз итлари». Мультсериал. 12-серия.

14.35 «Маънавият» дастури.

15.35 Биржа ва банк хабарлари.

15.45 «Рақс, рақс, рақс».

16.15 «Малина виноси». Бадий фильм.

17.45 «Ўзбекистон спортининг нуфузи».

18.10 ЎзТВ экранда биринчи марта. «Денгиз итлари». Мультсериал. 13-серия.

18.35 Болалар учун. «Санъат ғунчалари».

19.05 «Калқон».

19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 21.35, 23.55 Эълонлар.

19.30 «Ахборот» (рус тилида)

20.00 «Шеър ва шуур».

20.10 Оқшом эртақлари.

20.30 «Ахборот».

21.05 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Дил изҳори».

21.40 «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи».

22.50 «Ўзликнинг намоян қил». Экранда — Хоразм вилояти.

23.30 «Ахборот».

24.00 Сафокл. «Электра». Аброр Хидоятлов номидаги Ўзбек Давлат драма театрининг спектакли.

01.30 «Ешлар ва эстрада».

02.10 «Севгим менинг, андухшим менинг». Бадий фильм.

03.40-03.45 Ватан тимсоллари.

8.45 «Сайхун тароналари». Мусикий дастур.

9.10 «Кусто командасининг сувошти саргузаштлари». Телесериал. 65-қисм.

10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.

10.05 Янги алифбони ўрганамиз. Болаларнинг ёзги таътил кунларида:

10.25 «Шумтакалар». Мультсериал.

10.55 «Болаларга бахшида умр».

11.10 «Мақтублар — кабутарлар».

11.40 «Кичкинтоймиз-гизинг-тоймиз».

12.05 Кундузги сеанс: «Койилмақом жиноят». Бадий фильм.

13.35 «Кишлоқ ҳаёти».

14.10 «Денгиз итлари». Мультсериал. 12-серия.

14.35 «Маънавият» дастури.

15.35 Биржа ва банк хабарлари.

15.45 «Рақс, рақс, рақс».

16.15 «Малина виноси». Бадий фильм.

17.45 «Ўзбекистон спортининг нуфузи».

18.10 ЎзТВ экранда биринчи марта. «Денгиз итлари». Мультсериал. 13-серия.

18.35 Болалар учун. «Санъат ғунчалари».

19.05 «Калқон».

19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 21.35, 23.55 Эълонлар.

19.30 «Ахборот» (рус тилида)

20.00 «Шеър ва шуур».

20.10 Оқшом эртақлари.

20.30 «Ахборот».

21.05 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Дил изҳори».

21.40 «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи».

22.50 «Ўзликнинг намоян қил». Экранда — Хоразм вилояти.

23.30 «Ахборот».

24.00 Сафокл. «Электра». Аброр Хидоятлов номидаги Ўзбек Давлат драма театрининг спектакли.

01.30 «Ешлар ва эстрада».

02.10 «Севгим менинг, андухшим менинг». Бадий фильм.

03.40-03.45 Ватан тимсоллари.

ЎЗТВ II

18.00 Кўрсатувлар дастури.

18.05 «Кусто командасининг сувошти саргузаштлари». Телесериал. 65-қисм.

18.55 «Мусикий лаҳза».

19.00 «Давр». Ахборот дастури.

19.30 «Ешлар» телеканалида.

19.35 «Солиқ ҳақида сабоқлар».

19.50, 20.30, 23.10 Эълонлар.

19.55 «Мерос. Леонардо да Винчи». Кўп қисмли телевизион бадий фильм.

20.35 «Марду майдон». Аскар кўшклар».

20.55 «Ўзбек мумтоз шеър».

21.00 «Давр». Ахборот дастури.

21.30 «Истиклолни куйлайман».

21.35 «Парламент».

21.45 Умаржон Маҳкамбоев куйлайди.

22.05 «Фидокор».

22.20 «Ешлар» телеканалида.

22.25 «Сарвиноз». Мусикий дастур.

22.35 «Мутлола».

22.50 «Премьердан сўнг».

23.15 Синема. «Кариндошлар».

01.00 «Янги тонг».

ЎЗТВ III

17.55 Кўрсатувлар дастури.

18.00

ҲАФТАЛИК КЎРСАТУВЛАР

9.10 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари». Телесериал. 66-қисм.
10.00,12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 Абитуриентлар, сизлар учун. Она тили.
10.25 Япон тили.
10.45 Абитуриентлар, сизлар учун. Математика.

Болаларнинг ёзги таътил кунларида:

11.05 «Шумтакалар». Мультсериал.
11.20 «Севимли созим».
11.40 «Дано бобо даврасида».
12.05 Кундузги санас: «Биринчи калдирғоч». Бадий фильм.
13.15 «Инсон ва замин». Тележурнал.
13.40 «Куй ва тасвир».
14.10 «Озода бўлса шахрини».
14.30 «Жавоҳирлар хазинаси». Адабий кўрсатув.
14.55 «Акл ёшдамас».
15.10 «Тасодифий қотил». Бадий фильм.
16.30 Халқ ижодиёти. «Бозиргон». Ўзбекистон халқ артисти Рўзимбек Муродов.
17.00 «Маслак ва мақсад».
17.20 «Спорт-клуб».
17.35 «Нафосат». Тележурнал.
18.10 Болалар учун. «Фарзанд — умид юлдузи».
18.30 «Дастурхон нонга тўлсин».
18.45 «Харита». Халқаро шарҳ.
19.00 «Хидоят сари».
19.25, 20.25, 21.00, 22.20 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
19.55 «Юзма-юз».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Мен нечун севаман Ўзбекистонни». Публицистик кўрсатув.
21.40 «Санъат усталари ва ёш ижорачилар концерти».
22.25 «Сомон йўли».
22.55 Ч.Айтматов. «Соҳил бўйлаб чапайган олапар». Видеофильм. 2-қисм.
23.35 «Ахборот».
00.05 «Кин-дза-дза». Бадий фильм. 1—2-сериялар.
02.25-02.30 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари». Телесериал. 66-қисм.
18.55 «Муслиқий лаҳза».
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 «Мезон».
19.45, 20.40, 22.55 Эълонлар.
19.50 «Мерос. Леонардо да Винчи». Кўп қисмли телевизион бадий фильм.
20.45 «Давр»-интервью.
20.55 «Муслиқий лаҳза».
21.00 «Давр». Ахборот дастури.
21.30 «Истиклолни куйлайман».
21.35 «Фидокор».
21.50 «Қалбим ардоғи». Муслиқий дастур.
22.00 «Ёшлар» телеканалида.
22.05 «Мутуйба».
22.35 «Муслиқий глобус».
23.00 Синема. «Дон Лучано».
00.40 «Спорт қитъаси».
01.10 «Хайрли тун!»

ЎзТВ III

17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00, 21.30, 22.30, 23.30 «Пойтахт». Ахборот кўрсатуви.
18.10 «Ерилтош». Мульттўплам.
18.25 «Жаҳон жўрғофияси».
19.15 Муслиқий дақиқалар.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 «Ханда дўқони».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Армуғон». Муслиқий дастур.
21.45 Ўзбекистон мустақиллигининг 8 йиллигига. «Оқсалиш».
22.00 «Яхши кайфият».
22.45 «Морена Клара». Телесериал.
23.45 Оҳанглр ва эълонлар.
23.55 Кинонигоҳ.
01.35 «Хайрли тун, шаҳрим!»

ЎзТВ IV

Россия жамоат телевидениеси. 6.30-8.00

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ.

14.00-15.05 «Оддий Мария». Сериал.
15.05 Кўрсатувлар тартиби.
15.10 «СНН. Жаҳон янгиликлари» (инглиз тилида)
15.40 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 8 йиллигига. «Юртим».
16.00 «Севги йўлида». Сериал.

17.00 «Мультчархпалак». Ака-ука Гримм эртаклари. «Хўтик карами». 2-қисм.

Россия жамоат телевидениеси. 17.15 «Графиня де Монсоро». Кўп серияли бадий фильм.
18.20 «Эслашлари учун». Алексей Эйбоженко. Л. Филатов олиб боради.
19.00 «Мисс Марпл». Детектив сериал.
20.00 «Время».
20.35 «Қайсарлар ва довораклар». Телесериал.
21.25 «Оламда нима гап?». Ахборот кўрсатуви.
21.30 «СНН-шоу».
21.45 «Кино сайёраси».
22.00 «Вести».
22.30 Кинематограф. «Ракетачи». Бадий фильм.
00.15 «Ахборот» (рус тилида)
00.40 Тунги санас: «Полиция тарихи». Бадий фильм. 2-серия.
02.00 «Тунингиз осуда бўлсин!»

30-КАНАЛ

9.05 «Муслиқий тонг». Муслиқий-дам олиш дастури.
9.30 «Таниш чехралар». Муслиқий дастур.
10.00, 13.45, 18.00, 19.50, 00.30 — «ТВ-хамкор», «Метеохабар».
10.30 «Морена Клара». Телесериал.
11.20 Тонгги киносеанс.
13.00 «Кичик шаҳардаги дўзах». Телесериал.
14.10 Кундузги киносеанс.
15.30 «Дунё шаҳарлари». Ҳужжатли фильм.
16.00 «Қарапуз-ТВ».
16.25 «Фақат хотин-қизлар учун». Тележурнал.
16.50 «Эхтирослар асирлигида». Сериал.
17.35 «ҲИР» студиясининг меҳмони.
18.25 «Ошиқона». Муслиқий дастур.
18.40 «Сенсиз яшай олмаيمان». Телесериал.
19.25 Спорт шарҳи.
20.20 «Клип-совга».
21.30 «30-канал»да кинооқшом.
23.10 «Марлоу детективи». Сериал.
24.00 «Дўстлар даврасида». Муслиқий-дам олиш дастури.

30-КАНАЛ

9.05 «Муслиқий тонг». Муслиқий-дам олиш дастури.
9.30 «Таниш чехралар». Муслиқий дастур.
10.00, 13.45, 18.00, 19.50, 00.30 — «ТВ-хамкор», «Метеохабар».

10.30 «Морена Клара». Телесериал.
11.20 Тонгги киносеанс.
13.00 «Кичик шаҳардаги дўзах». Телесериал.
14.10 Кундузги киносеанс.
15.30 «Дунё шаҳарлари». Ҳужжатли фильм.
16.00 «Қарапуз-ТВ».
16.25 «Фақат хотин-қизлар учун». Тележурнал.
16.50 «Эхтирослар асирлигида». Сериал.
17.35 «ҲИР» студиясининг меҳмони.
18.25 «Ошиқона». Муслиқий дастур.
18.40 «Сенсиз яшай олмаيمان». Телесериал.
19.25 Спорт шарҳи.
20.20 «Клип-совга».
21.30 «30-канал»да кинооқшом.
23.10 «Марлоу детективи». Сериал.
24.00 «Дўстлар даврасида». Муслиқий-дам олиш дастури.

РЖТ

5.00 «Хайрли тонг!».
8.00, 11.00, 14.00, 17.00, 23.40 — Янгиликлар.
8.15, 16.00 — «Севги йўлида». Сериал.
9.15 «Жентльмен-шоу».
9.50 Мультсеанс.
10.05 «Хонаки кутубхона».
10.15 «Самовий урушлар». Саргузашт сериал.
11.15 «Хайрли кун!».
12.00 «Гаровга кўйилган ҳаёт». Сериал (яқунловчи).
13.05 «Фантом-2040». Мультсериал.
13.30 «Биргалиқда» дастури.
14.15 «Гарри — қор одам». Комик сериал.
14.45 «Ҳамма нарса бўлиши мумкин!».
15.00 «Сезам кўчаси».
15.30 «...16 ёшгача ва ундан катталар».
17.15 «Графиня де Монсоро». Кўп серияли фильм.
18.20 «Эслашлари учун...» Алексей Эйбоженко. Кўрсатуви Л. Филатов олиб боради.
19.00 «Мисс Марпл». Детектив сериал.
20.00 «Время».
20.40 РЖТда XXI фестивал. Пьер Ришар «Бу мен эмас, балки у!» комедиясида.
22.20 «Қаллоблар: Алексей III». Сериал.
22.50 «Қоп-қора осмон». Сериал. 9-серия.

РАТ

6.00-8.45 «Хайрли тонг, Россия!».
6.20 «Давр»-интервью.
20.55 «Муслиқий лаҳза».
21.00 «Давр». Ахборот дастури.
21.30 «Истиклолни куйлайман».
21.35 «Фидокор».
21.50 «Қалбим ардоғи». Муслиқий дастур.
22.00 «Ёшлар» телеканалида.
22.05 «Мутуйба».
22.35 «Муслиқий глобус».
23.00 Синема. «Дон Лучано».
00.40 «Спорт қитъаси».
01.10 «Хайрли тун!»

ТВ-6

15.00 га қадар профилактика.
16.00, 19.00 — «ТСН-6».
16.10 «Сифат белгиси».
16.20 «Харидингиз учун ташаккур!» теледўқони.
16.40 «Оддий Мария». Сериал.
17.30 Мультфильм.
17.55 Усмилрлар учун сериал. «Тайёрмасиз ёки йўқ».
18.25, 00.30 — «Диск-канал».
19.20, 23.50 — «Йул назорати».
19.30, 01.30 — «Оловдаги Грейс-II», ҳажвий сериал.
19.55 «Шажара-II. Колби оиласи». Сериал.
21.00 Шу куннинг янгиликлари.
21.30 «ОСП-студия».
22.25 «Одамлар оламида».
23.00 «Вавилон 5». Сериал.
00.05 «Шу куннинг олти янгилиги».
00.15 «Кимки...»
01.05 «Кизил туфлича кундалиги». Сериал.

ЖУМА, 23

ЎзТВ I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот».
8.30 Республика газеталарининг шарҳи.
8.45 «Тоғлар таронаси». Ориф Одилхонов.
9.20 «Инсон — ҳаёт гултожи».
9.35 «Бу ҳам кино». Телесериал. 4-серия.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 «Абитуриентлар, сизлар учун. Физика».
10.25 Немис тили.
10.55 Абитуриентлар, сизлар учун. Биология.
11.15 «Нигоҳ». Бадий-публицистик кўрсатув.
Болаларнинг ёзги таътил кунларида:
11.35 «Шумтакалар». Мультсериал.

12.05 «Кўзгу».
12.35 «Яшил чироқ». Телемусобақа.
13.15 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 8 йиллигига. Телевизион фильмлар кўриги. «Менинг Тошкентим».Премьера.
13.45 «Қишлоқ стадионларида».
14.10 «Шарқ тароналари».
14.30 «Сомон йўли».
15.00 «Талаб ва тақлиф».
15.15 Кундузги санас. «Ҳолодильникда кимдир бор». Бадий фильм.
16.30 Халқ ижодиёти. «Бозиргон». Ўзбекистон халқ артисти Рўзимбек Муродов.
17.00 «Ҳамроз» («Занжир»).1-қисм.
17.40 «Бир наво истар кўнгли». Муслиқий дастур.
18.10 «Бешбармоқ». Тележурнал.
18.30 «Таянч нуқтаси».
18.45 «Ажаб саодат эрур». Бадий-публицистик кўрсатув.
19.05 «Ислохот ва мастулият».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 22.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 «Ракибингиз — грассмейстер».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.05 Гулбаҳор Сулаймонова куйлайди.
21.30 «Баркамол авлод орзуси».
22.05 Ч. Айтматов. «Соҳил бўйлаб чапайган олапар». Видеофильм. 3-қисм.
22.45 «Шарқ тароналари». II-халқаро мусиқа фестивали олдидан.
23.25 «Ахборот».
23.55 «Битик».
00.20 «Уйимдаги бегона». Бадий фильм. 1—2-сериялар.
02.10-02.15 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Янги авлод» студияси намоийш этади («Эркатой»)
18.25 «Талабалар шаҳарчаси».
18.45 «Муслиқий лаҳзалар».
18.55 «Ёшлар» телеканалида.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 «Далил ва шарҳ».
19.40, 20.35, 23.00 Эълонлар.
19.45 «Мерос. Леонардо да Винчи». Кўп қисмли телевизион бадий фильм.
20.40 «Саломат бўлинг» 4-кўрсатув.
21.00 «Давр». Ахборот дастури.
21.35 «Менинг орзуим».
21.40 «Азизим».
22.00 «Наволарда аён этсам». Муслиқий дастур.
22.15 «Ҳахолат бекати».
22.30 «Телевикторина».
22.40 «Автосалтанат».
22.55 «Ёшлар» телеканалида.
23.05 Синема. «Жароҳатланган».
00.35 «Мунаввар тонг истаб».

ЎзТВ III

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Ерилтош». Мульттўплам.
9.20 Кўнгли тароналари.
9.40 Болажонлар экрани.
11.10 «Фаровонлик бекати».
11.35 «Муслиқий сайёра».
12.35 Кинонигоҳ.
14.10-14.20 «Пойтахт». Ахборот кўрсатуви.
17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00, 21.30, 22.30, 23.30 «Пойтахт». Ахборот кўрсатуви.
18.10 «Ерилтош». Мульттўплам.
18.25 «Жаҳон жўрғофияси».
19.10 «Кулишни унутманг». Дам олиш дастури.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 «Серенада». Қисқа метражли бадий фильм.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Яна бир учрашув».
21.45 «Рақслар жилоси».
22.15 Катталар учун эртақ.
22.45 «Морена Клара». Телесериал.
23.45 Тунчирок.
00.25 Оҳанглр ва эълонлар.
00.35 Кинонигоҳ.
02.10 «Хайрли тун, шаҳрим!»

ЎзТВ I

Россия жамоат телевидениеси. 6.30-8.00

14.00-15.05 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ.

15.05 Кўрсатувлар тартиби.
15.10 «СНН. Жаҳон янгиликлари» (инглиз тилида)
15.40 «ТВ-4 да немис тўлқини».
16.00 «Севги йўлида». Сериал.
17.00 «СНН-шоу».

17.15 «Графиня де Монсоро». Кўп серияли бадий фильм.

18.15 «Мультчархпалак». Ака-ука Гримм эртаклари. «Темир печка». 1-серия.
18.30 «Уорлднет» янгиликлари.
18.40 «Клип-антракт».

Россия жамоат телевидениеси.

18.45 «Аралаш». Ҳажвий киножурнал.
19.00 «Муъжизалар майдони».
20.00 «Время».

20.35 «Қайсарлар ва довораклар». Телесериал.

21.25 «Оламда нима гап?». Ахборот кўрсатуви.
21.30 «Дурдаршан».
21.50 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 8 йиллигига. «Эътироф».
22.00 «Вести».
22.30 Кинонинг олтин асри. «Спартак». Бадий фильм.
01.30 «Ахборот» (рус тилида)
01.55 Тунги санас: «Миллий балик ови хусусиятлари». Бадий фильм.
03.25 «Тунингиз осуда бўлсин!»

30-КАНАЛ

9.05 «Муслиқий тонг». Муслиқий-дам олиш дастури.
9.30 «Даракчи». Дам олиш дастури.
10.00, 13.45, 18.00, 19.50, 01.40 — «ТВ-хамкор», «Метеохабар».
10.30 «Морена Клара». Телесериал.
11.20 Тонгги киносеанс.
13.00 «Кичик шаҳардаги дўзах». Телесериал.
14.10 Кундузги киносеанс.
15.30 «Висол».
16.00 «Қарапуз-ТВ».
16.25 «Фақат хотин-қизлар учун». Тележурнал.
16.50 «Эхтирослар асирлигида». Сериал.
17.35 «ҲИР» студиясининг меҳмони.
18.25 «Ошиқона». Муслиқий дастур.
18.40 «Сенсиз яшай олмаيمان». Сериал.
19.25 Спорт шарҳи.
20.20 «Клип-совга».
21.30 «30-канал»да кинооқшом.
23.10 «Марлоу детективи». Сериал.
24.00 «Бедорлик».

РЖТ

5.00 «Хайрли тонг!».
8.00, 11.00, 14.00, 17.00, 00.15 — Янгиликлар.
8.15, 16.00 — «Севги йўлида». Сериал.
9.15 «Маски-шоу».
9.40 «Смак».
10.00 Мультсеанс.
10.10 «Самовий урушлар». Саргузашт сериал.
11.15 «Хайрли кун!».
11.55 РЖТда XXI фестивал. «Кўчатлар» фильми.
13.30 «Биргалиқда» дастури.
14.15 РЖТда XXI фестивал. «Нетти Ганн саёҳати». Саргузашт фильм.
17.15 «Графиня де Монсоро». Кўп серияли фильм.
18.15 Ҳужжатли детектив. «Қотил кундалиги. 1996 йилги иш».
18.45 «Аралаш-қуралаш» журналидаги кувнок воқеалар.
19.00 «Муъжизалар майдони».
20.00 «Время».
20.40 Буюк изкуварлар. Лейтенант Коломбо «Иккиёклама зарба» детективида.
22.10 Людмила Кучма «Хотин-қизлар билан содир бўлган воқеалар» дастурида.
22.40 Тунги кинозал. «Овоза» триллери.

РАТ

6.00-8.45 «Хайрли тонг, Россия!».
6.20 «Давр»-интервью.
6.55 «Кўрсатувлар дастури». Телевизион.
7.15 «Минг бир кун».
8.15, 22.45 — «Навбатчи қисм».
8.45 «Товарлар-почта орқали».
9.10 «Миледи». Телесериал.
10.00, 13.00, 16.00, 19.00, 23.00 — «Вести».
10.35 «Кичик дайди». Болалар учун телесериал.
11.30 «Менинг оилам».
12.30, 23.50 — «Дивандаги дўқон».
13.30 «Антонелла». Телесериал.
14.25 «Еввойи фаришта». Телесериал.
15.15 «Муслиқий лаҳза».
15.25 «Биринчи бўсалар». Телесериал.
16.30 «Минора».
17.00 «Витебска славян бозори». Украина маданияти кўнгли.
18.25 «Лаббай, жаноб вазир!». Телесериал.
19.30 «Тафсилотлар».
19.45 «Шаҳарча».
20.15 «Бу жонон қизлар...». Фантастик комедия (АҚШ).
22.00 «Подийум, д.арт».
23.40 «Витебска славян бозори» фестивали кундалиги.

ТВ-6

7.55, 14.10 — «Кундан-кунга».
9.45, 19.20, 00.45 — «Йул назорати».
10.00, 12.00, 14.00, 16.00, 19.00 — «ТСН-6».
10.10, 01.10 — «Кимки...»
10.25 «СВ-Шоу».
10.50, 11.50, 16.20 — «Харидингиз учун ташаккур!» теледўқони.
11.00 «Шажара-II. Колби оиласи». Сериал.
12.10 «Бизнинг мусиқа»: «Машина ва вақт».
13.10 «Вавилон 5». Сериал.
16.10 «Сифат белгиси».
16.40 «Оддий Мария». Сериал.
17.25 Мультфильм.
17.55 Усмилрлар учун сериал. «Тайёрмасиз ёки йўқ».
18.25 «Диск-канал».
19.30, 02.30 — «Оловдаги Грейс-III», ҳажвий сериал.
19.55 «Бенни Хилл» шоуси.
21.00 Шу куннинг янгиликлари.
21.30 «Ҳафта моҳоролари».
21.55 «Обоз».
22.55 ТВ-6 кинотеатри. Чарли Шериллин Фенн «Қасос руҳи» триллерда.
00.55 Шу куннинг олти янгилиги.
01.25 «Радиохит».

ШАНБА, 24

ЎзТВ I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот».
8.30 Республика газеталарининг шарҳи.
8.50 «Мусиқа бўстони». Телевизион.
9.15 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 8 йиллигига. Телевизион фильмлар кўриги. «Самога йўл».
9.35 Хидоят сари.
10.00 «Ўзбекистон спортининг нуфузи».
10.15 «Ҳаёт чашмалари». Жиззах вилояти макомчилар ансамблининг концерти.

10.40 «Камолот сари».
«Умид» намоийш этади:
10.55 «Соғлом авлод учун».
11.15 «Кувноқлар даврасида».
11.35 «Кулгитерия».
12.05 «Фан — таракқиёт неғизи».
12.20 Кундузги санас: «Чегем хангомаси», Бадий фильм.
13.40 «Мен нечун севаман Ўзбекистонни». Публицистик кўрсатув.
14.15 Телевизион миниатюралар театри.
14.50 «Шарқнинг машхур аёллари».
15.10 «Ринг». Спорт дастури.
15.45 «Қалбга яқин кўшиқлар». Муслиқий дастур.
16.20 «Шоҳ Эдип». Фильм-спектакль.
17.40 Болалар учун. «Фламинго».
18.00 «Ҳа, ҳа, ҳа». Ҳазил, ҳажв, хангома.
18.25 «Иқтисод ва биз».
18.50 «Бахтли воқеа».
19.25, 21.00, 22.55 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
19.55 Оқшом эртаклари.
20.10 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
20.20 «Зиё».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Кўшмоқ ҳаёти».
21.30 «Буюк келажак 2000». Телемарафон.
22.00 «Оталар чойхонаси». Муслиқий дам олиш дастури.
23.00 «Халқнинг кўнгли».
23.30 «Ахборот».

Тунги ёғду. Дам олиш дастури.

ЎзТВ II

24.00 «Муслиқий саёҳат».
00.20 «Совун ўғрилари». Бадий фильм.
01.45-01.50 Ватан тимсоллари.
8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Янги авлод» студияси намоийш этади.
9.50 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари». Телесериал. 65-қисм.
10.40 «Ёшлар» телеканалида.
10.45 «Дилбарим».
11.05 «Рей Брэдбери театри». Телесериал.
11.25 «Танишинг: Исроил Саидмуродов».
11.40 «Ёзги таътил». «Бинафшаранг шар». Бадий фильм.
12.55 «Марду-майдон». Аскар кўшиқлари.
13.15 «Сир».
13.35 «Муслиқий глобус».
13.55 «Рамаяна». Телесериал.
14.30 «Муносабат».
14.55 «Мутлола».
15.10 «Тарзан». Телесериал.
15.55 «Шу куннинг мавзуси».
16.15 Синема.
17.40 «Сенинг вақтинг».

18.00 «Янги авлод» студияси намоийш этади («Жажжи гузал») 18.30 «Эски альбомдан».
18.35 «Равнак».
18.50 «Муслиқий лаҳзалар».
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 «Ёшлар» телеканалида.
19.35 «Матбуот».
19.50, 20.30, 22.40 Эълонлар.
19.55 «Рамаяна». Телесериал.
20.35 «Бахс, мунозара, таҳлил».
20.55 «Муслиқий лаҳза».
21.00 «Давр». Ахборот дастури.
21.30 «Ёшлар» телеканалида.
21.35 «Ёр ишқи». Муслиқий дастур.
21.50 «Кутилмаган меҳмон».
22.15 «Эски альбомдан».
22.20 «Кинотакдим».
22.45 Синема. «Тараддул».
00.10 «Шарқ тароналари».
00.30 «Хайрли тун!»

ЎзТВ III

ТИЖОРAT ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР



ЭЛЕКТРОН АТСЛАР АБОНЕНТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Электрон АТСлари ўз абонентлари учун хизматлар кўрсатиш бўйича чекланмаган имкониятларга эгадир. Сизнинг кўплаб илтимосларингизга мувофиқ энг оммабон кўшимча хизмат турлари (КХТ)нинг тарифларини эълон қиламиз:

№ п/п	КХТ номи	Ойлик ҳақ тўлаш миқдори, сўм		Аҳоли
		Муассасалар	Хўжалик ҳисобидаги	
1.	Рақамни қисқартирилган ҳолда териш	360	300	30
2.	Рақамни термасдан улаш	720	610	60
3.	Кириш алоқасининг вақтинчалик тақиқланиши	430	370	36
4.	Кириш кўнғироқларини (АТС ичида) бошқа манзилга ўтказиш	400	340	33
5.	Кириш ва чиқиш алоқасининг вақтинча тақиқланиши	360	310	30
6.	Янги кўнғироқ бўлаётгани тўғрисида огоҳлантириш	360	310	30
7.	Абонентни буюртма бўйича чақириш (уйғотиш, эслатиш)	360	310	30
8.	Кириш кўнғироқларини автомаълумотчиға ўтказиш	720	610	60
9.	Рақам термасдан қайта чақириш	720	610	60
10.	Абонент илтимосига кўра чақириётган абонент телефон рақамини аниқлаш	720	610	60
11.	Конференц алоқа	720	610	60
12.	Чақирилаётган абонентнинг бандлиги ҳолида кириш кўнғироқларини котибаға ёки бошқа аппаратга ўтказиш	720	610	60
13.	Сўзлашув пайтида маълумотларни тўплаш	720	610	60

Маълумотлар учун «TOSHKENT SHANAR TELEFON TARMOG'I» ОТАЖнинг қуйидаги манзилларда жойлашган филиалларига мурожаат қилинг:

Марказий филиал:

34/35-АТС, Асомов кўчаси, 2. Маълумотлар учун телефон: 137-63-13.

Собир Раҳимов филиали:

29-АТС, Ўрозбоев кўчаси, 21. Маълумотлар учун телефон: 29-88-44.

Миробод филиали:

54/55-АТС, Нукус кўчаси, 87. Маълумотлар учун телефон: 54-67-20.

Мирзо Улугбек филиали:

162-АТС, Ҳожибоев кўчаси, 45. Маълумотлар учун телефон: 162-36-37.

Чилонзор филиали:

77-АТС, Чилонзор даҳаси, 3-мавзе, 46-уй. Маълумотлар учун телефон: 173-84-49.

Янгиобод филиали:

97-АТС, Кадишев кўчаси, 17. Маълумотлар учун телефон: 97-72-72.

ЭСЛАТИБ ЎТАМИЗ! Электрон АТСнинг ушбу имкониятларини амалда қўлаш учун рақамлар тонал равишда териладиган телефон аппаратига эга бўлиши керак.

«TOSHKENT SHANAR TELEFON TARMOG'I» ОТАЖ.

ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИСТ БЎЛИШНИ ХОҲЛОВЧИ ҚАДРАЛ АБИТУРИЕНТЛАР!

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига мувофиқ Ўзбек Давлат жаҳон тиллари университетиде мамлакатимизда илк бор халқаро журналистика факультети очилмоқда. Ҳозирги пайтда ушбу факультетга абитуриентларни қабул қилиш давом этмоқда. Мазкур факультетда таълим олишнинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, шу орқали талабалар давлат ва жамият учун жуда зарур бўлган халқаро журналист касбини тўла эгаллаш имкониятига эга бўладилар.

Ушбу ихтисослик бўйича таълим олган ҳолда сиз хорижий тил (инглиз, немис, француз, испан, араб, япон, хитой)ни мукамал эгаллаган журналист бўласиз.

Ҳурматли ўсмирлар ва қизлар!

Агар сизда халқаро журналист касбига эга бўлиш истаги тугилган бўлса, ўз ниятингизни амалга оширишга шошилинг.

Биз сизни қуйидаги манзилда кутамиз: Тошкент шаҳри, Решетов кўчаси, 4-уй, Ўзбек давлат жаҳон тиллари университети (собик рус тили ва адабиёти институти).

Маълумотлар учун телефонлар: 43-35-09, 75-89-55, 75-55-57.

Тошкент шаҳар ички ишлар Бош бошқармаси кадрлар бўлими профилактика инспекторлари лавозимларига (махсус унвон берилди) олий маълумотли 30 ёшга тўлмаган, ҳарбий билети бўлган ёшларни танлов асосида хизматга қабул қилади.

Мурожаат учун телефонлар:

56-95-92

56-74-76

67-47-10

Бизнинг манзилимиз:

Тошкент шаҳар, Содиқ Азимов кўчаси, 87, Навоий кўчаси 9-а, Жанговар ва жисмоний тайёргарлик маркази. Тел. 34-15-86.

Радио деталлари дўкони деталларни нақд пулга ва пул ўтказиш йўли билан сотиб олади ва сотади. Телефон: 67-52-18, 35-01-39.

30 м х 30 м ҳажмли 2 дона «Кисловод-ск» модули ва 58/12, 58/15 плиталари арзон нарҳда сотилади. Тел: (371) 180-75-80, (291) 2-63-85, 2-17-51.

Иссиқкўлда дам олиш!

«Дилором» пансионати (оромгоҳи)

Чолпон-Ота шаҳрининг ёнида хушманзара ярим оролда жойлашган. Пляж яқинидаги 2-4 ўринли коттежларда яшаш учун барча имкониятлар бор. Спорт майдонлари, дискотека, видеосалон, чойхона ва барлар дам олувчилар ихтиёридадир.

Дам олувчилар кунига 3 маҳал овқат билан таъминланади. Улар учун Иссиқкўлнинг хушманзара тоғларига саёхатлар уюштирилади.

Пансионат (оромгоҳ) 20 июндан 10 сентябргача дам олувчиларни қабул қилади.

12 кунлик йўлланма нархи 30200 сўм.

«Мерседес» шинам ва қулай автобусида йўлқира ҳақи ҳам киради.

Тўловларни нақд пул орқали ёки нақд пулсиз ҳисоб-китоб орқали амалга ошириш мумкин.

**Бизнинг манзил: Тошкент ш.,
Нукус кўчаси, 67, «Асака»
банкнинг касаба уюшма кўмитаси.
Тел: 120-82-20, 120-82-56.**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ МИЛЛИЙ РАҚС ВА ХОРЕОГРАФИЯ ОЛИЙ МАКТАБИ 1999—2000 ЎҚУВ ЙИЛИГА ҚУЙИДАГИ МУТАХАССИСЛИКЛАР БЎЙИЧА АБИТУРИЕНТЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ:

Кундузги бўлимга:

— хореография ўқитувчиси
— халқ хореография жамоалари раҳбари
Ўқиш муддати — 4 йил

Сиртқи бўлимга:

— хореография режиссёри (балетмейстер)
Ўқиш муддати — 4 йил

Олий мактабда ўқиш ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

Хужжатлар 20 июлгача қабул қилинади.

КИРИШ ИМТИҲОНЛАРИ:

Ихтисослик бўйича 21 июлдан 25 июлгача — Умумий фанлардан тест синовлари кундузги бўлимда 1 август куни, сиртқи бўлимда 11 август куни ўтказилади.

Вилоятлардан келган абитуриентлар ётоқхона билан таъминланадилар. Ўқишга давлат гранти ҳамда тўлов-шартнома асосида қабул қилинади.

Кўшимча маълумотларни қуйидаги телефон рақамлари орқали билиб олишингиз мумкин:

56-33-27, 56-24-36, 56-05-28

Олий мактаб манзили:

Тошкент шаҳри, Юсуф Хос Ҳожиб кўчаси, 31-уй

(собик «Педагогическая» кўчаси)

Метронинг «Космонавтар» бекати,

11-троллейбуснинг «Хореография олий мактаби» бекати, 7, 8, 10,

26, 28 трамвайларнинг «Юсуф Хос Ҳожиб кўчаси» бекати (собик

«Туркман бозори» бекати)

ҚАБУЛ КОМИССИЯСИ

«Юнусобод» бозори очиқ ҳиссадорлик жамиятининг 1999 йил ярим йиллик яқунлари бўйича навбатдан ташқари умумий мажлиси Юнусобод туман ҳокимлигининг мажлислар залида 1999 йил 28 июль соат 11.00 да ўтказилади.

КУН ТАРТИБИ:

1. Жамиятнинг 1998 йил ярим йиллиги ҳисоботи.
2. Жамият акционерларига дивиденд тўловларини ярим йиллик якуни бўйича амалга ошириш ҳақида:
3. Тошкент шаҳар ҳокимининг 257-қарорига илова қилинган бозорларнинг ихтисосий тақдимоти бўйича бозор иш фаолиятини шакллантириш;
4. Жамиятнинг ишчи ходимларига ҳар чорак яқунлари бўйича (белгиланган режа тўлиқ амалга оширилган тақдирдагина) мукофот пулини амалга ошириш.
5. Ҳар хил масалалар.

«ЮНУСОБОД» БОЗОРИ ОАЖ ДИРЕКТОРИ.

Ихчам,
4 хонали уй
сотилади. 2,5
сотих. Барча
қулайликлар
мавжуд.
Газ, телефон,
канализация,
автомашина
учун
дарвозахона.
Метронинг
«Ёшлик»
бекати ёнида.
Тел. 56-24-82.

Савдо қилин-
майдиган аниқ
иш тақлиф қила-
миз. Ойлик — 30
минг сўм. Тел:
56-15-82.

Алқисса, бу кун гулдаста бирлан қулваччани маликанинг хузурига хозир айладилар. Малика ул гулдастани олди ва икки юз танга бериб, қулваччадан сўрадики, бул гулдастани қаердин олиб келурсан ва бунинг устаси кимдур? Қулвачча дедиким, бул хунар ўзимданур. Малика буюрдики микроз (қайчи) бирлан қоғоз келтиринглар, дарҳол хозир қилдилар. Малика болага қараб, шу ерда мени хузуримда бир гулдаста ясағил деди. Бола ноилож қолиб, эй маликам, бизнинг саройда бир неча муддатдин бери беш адал озода қаландарлар истиқомат қилурлар. Бу хунар улардан бириникидур деди. Ҳар куни йигирма танга сарф-ҳаражатлари бордур. Ҳар ким сўраса ўзимнинг хунарим деб, айтгил деб, менга таъкидлайдилар. Бизларни асло тилингга олмагил дейдилар. Мен ҳар куни йигирма танга берурман, қолганини мендан сўрамайдилар деб, бир-бир баён қилди. Малика дедиким, ҳар куни гулдастани менга келтиргил деб, болани кузатди ва ўзига-ўзи дедиким, бул косани остида ним косаси бўлғай, бўлмаса ул беш қаландар бу ерда нима қиладур деб, ўйларди.

Алқисса, қулвачча келиб, бўлган воқеани қаландарларга айтди. Шундан сўнг мусаввир йигит, энди менга ҳам вақт келди деди ва бир гўшага кириб, бир парча қоғозга зебу зийнат бериб, анинг ўртасига шаҳзода Салмоннинг суратини чизди ва гулдастанинг орасига солиб, қулваччани хузурига чорлаб, унга гулдастани топширди. Қулвачча аввалги йўсинда гулдастани Маликага сотиб, пулини қаландарларга олиб келиб берди. Малика ул гулдастани томошо қиларкан, ногаҳон кўзи гул қоғозга тушди. Олиб очиб кўрдиким, сеҳргарлар андоғ тилсимот айлабдурларки, занжир муҳаббатдир, кўрган одам албатта банди бўлғусидур. Шаҳзода Салмон суратиға кўзи тушди, беихтиёр оҳ тортиб муҳаббат дарёсига фарқ бўлди. Малика кундан-кун бетоқат бўлур эрди. Яна сайри боғ айларга жазм этди. Шаҳар халқи эшитиб яна пинҳон бўлдилар, малика яна ўз қасрига қайтиб келди. Ҳар замон ишқ лашкари малика вужудига чопкун солур эрди. Яна ул мусаввир йигит бир тахтачани олиб, бор хунарини ишга солиб, ул тахтани ўртасига бир анҳор намудор қилди, атрофини гулзор айлаб оро берди, ҳар хил гуллар очилиб турибдурким ҳеч кўз кўриб, қулоқ эшитмаган бўлғай. Бир ёнида шоҳ супа тартиб бериб, ани устида бир ҳашаматли тахтни вужудга келтирди, атлас ва кимҳоб болишлар қўйилгон бўлиб, тахт узра шаҳзода Салмонни фоҳира либослар билан бежаб, семурғ патли шоҳона тожни бошига кийдириб, унинг атрофида бир неча қаландар мисол одамлар хизматда турурлар. Ул анҳор мавж уриб оқиб борадур гўёки, дарёйи Сирдек. Бу жоду ва фиреб тахтани гулдастага кўшиб, яна шаҳзода Салмоннинг узугини ҳам гулдастага боғлаб қўйдилар ва қулваччага топширдилар, токи малика оғоҳ бўлғайки, бу сурат эгаси ҳам мавжуддир. Қулвачча гулдастани малика даргоҳига еткурди. Бу сафар малика икки минг танга инъом қилди. Малика гулдастани томоша қилиб, ул тахтача бирлан узукни (нигин) олиб муҳрин босиб кўрдиким, шаҳзода Салмон ибн Доробшоҳ эронийдур. Оғоҳ бўлдиким фалак нечук ўйинларни кўрсатибдур. Тахтага боқди, бир анҳор сув мавж уриб борадур. У қўлини солди, тахтага тегди сув эмасдур, худди саробдекдур. Харифларнинг сеҳр ва хунарига офарин ва таҳсин айлар эрди. Ўзига дедиким, бу беш қаландарни бири албатта шаҳзода Салмон бўлғай дерди. Гоҳи тахтадаги шаҳзодани суратиға ошифта бўлиб ва гоҳи гулдастани томоша қилур эрди. Дамбадам ишқ-муҳаббатнинг шарораси сийнасиға жўш уради. Аста-секин малика ўзини ҳаммадан четга олиб, еб-ичмокдин қолди. Пинҳона худойи таолога нола қилиб йиғларди, бирор чорасини топмас эрди. Бетоблик даражасига етди. Ўзини ёшлиқдан кўтариб катта қилган, ёши улуг бир канизак бор эрди. У маликанинг ҳолидан оғоҳ бўлиб, хилватга олиб деди, эй нуридийдам не сабабдин ўзингни хилватга тортурсен, таом ва шаробдин воз кечибдурсен, аҳволинг ўзгача кўринадур, жоним берича жонсипорлик қилғумдир. Кўрқаманким сенинг ғаминг менга таъсир айлағай. Ҳали ҳам айни вақтдур, агар мендин ўтса жунунга мубаддал бўлур, ул вақтда иложи топилмағай. Билурманким, мундин ортиқ ғамга тоқатинг йўқдир деб, ҳар хил дилосолиғлар айладиким, малика муҳаббат шаробидин маст бўлиб, дедиким эй меҳрибон она, мен дардимни сенга қайси тил бирлан айтурман. Аввал бул суратни томошо айлағил деб, олдиға қўйди. Ул каниз ҳам суратни кўриши билан оҳи жигарсўз урди ва дедиким, эй нуридийдам бул сурат сенга қаёқдин тегди. Малика зор-зор йиғлаб, ҳамма воқеани баён айлади. Каниз маликанинг аҳволиға ачинди. Аввали сўз шулки бу суратга асло банд бўлмағилки, ул тарафни хабари йўқтур. Энди бу сурат бахридин ўтгил, ўзингни бало домидан озод этгин! Малика дедиким эй она,

бу дамда бу сўзларни фойдаси йўқдур, агар раҳм айласанг бу ишга бир чора-тадбир айла-гил!

Алқисса: малика канизга амр қилдиким, ҳозир ўрнингдин туриб шаҳарнинг фалон жойидаги карвон саройга бориб, у ерда яшаб турган беш қаландар бордур. Ул хужрага кириб, алардин аҳвол сўраб, дегилким, ул суратни асли қайдадур, исми нимадур, қайси вилоятдин бўлурлар? Бул маконда туришларини боиси недур? Ул қаландарлардин бир хабар олиб келмасанг, бисёр изтиробдадурман деди. Каниз мастонавор йўлга тушиб ул саройга келиб, ул хужрани топиб, салом айлаб қаландарлар олдиға кириб ўтирди. Дастурхон фотиҳадин кейин кўрдиким, тўрт қаландар қуйироқда, бири юқорида шоҳлардек ўтирубдир. Ул суратини нақш айлабдурлар. Бул йигитнинг суратидур. Каниз дедиким, эй озода қаландарларим қайси вилоятдин бўлурсизлар, отларингиз нимадур, мундоғ қаландарона келмоғдин мурод-мақсадларингиз нечукдур ва бул саройда сокинликни сабаби недур? Мусаввир жоду йигит кайсидур деб, савол айлади. Қаландарнинг бири дедиким, мунча муқаддималардин мақсад нимадур? Каниз дедиким, мен маликаи даврон, ошуби замоннинг канизларидурман. Маликам сўраб юбордилар, ҳар нечук дерсизлар бориб маликамга айтурман. Қаландарлар дедиларким, мақсудлари ҳозир тайёрдур, ба-шартики фақир қаландарларнинг сири пўшида (ёпиқ) бўлса кифоядур. Каниз бўл сўзлардин завққа тўлиб, ўзини малика хузурига етқуриб, кўрган ва эшитганини бир-бир баён айлади.

Малика шавқ билан қўлиға қалам олиб, икки калима сўз иншо айлади. Хатда изхори муҳаббат айлаб дедиким, эй қаландарлар султони ва эй фироқ-ҳижрон шоҳи, бир суратни зуҳура келтирибсизларким, кўнгуллар тилсимотини якбора синдирди. Бошимга савдо, дилимга ғавғони пайдо айладингизлар. Бўлмаса бир озода сарв эрдим, умрим айёми ҳамиша баҳор фаслидек хуррам ва беғам эрди. Билмасманким сизларга нечук зулм ва таъадди айлабдурманки, мен аламзадаға нима сабабдин кинавор бўлибдурсизлар. Мунча муқаддималар бирлан бу ишни анжони не ерга етгусидур?, нома тамом вассалом.

Каниз бу хатни дарҳол қаландарга етказди. Салмоншоҳ бир лаган зар нисор айлади. Номани очиб мазмуниндин оғоҳ бўлиб, гулдек очилди. Шаҳзода ҳам бир хат ёзиб, икки дона гавҳар порани кўшиб канизга топширди. Каниз йўлга равона бўлиб, хатни маликага етқурди. Малика шод бўлиб, хатни очиб кўрдиким, бошдин оёғи муҳаббат сўзидур, мундоғ битибдурким, эй гавҳари якто ва эй садафи дарёйи ва эй шакарлаб ширин калом ва эй дилрабоий студа фаржом ва эй ҳаётни хушнудлиги мунча икболу давлат ва хусну латофатлар бирлан нечук ранж ва машаққатлар сизга етибдурким, рўзгори айёмдин шикоятлар айлабдурсиз. Қанча меҳнат, ғам ва хоҳиш бўлса, ушбу ҳижрон қошида ва аламзадаларга мустаҳикдур. Не миқдор ҳарқат ва фурузат юки бўлса, тожи давлат шаҳриёриға табдил айлаб, ҳадсиз алам ва ситамлар бўлса ҳам, эй жону жаҳон асло андуҳгин бўлманг. Агар амри олий бўлса, бир тадбир бордурким, ҳеч қандай афсунгарлар ҳам воқиф бўлолмаслар дебдур. Малика яна хат ёзиб каниздан бериб юборди. Ушбу мазмунда бир навъи тадбир бўлса, тезроқ бўлгани яхшидур дебдур. Шаҳзода ул нақб қазийдирган биродариға боқиб дедиким, энди сизни навбатингиз келибдур, деб, ул канизга ҳамроҳ айлади, каниз йигитга аёллар либосини кийдириб, бошиға чодира ёпинтириб маликанинг қасрига олиб борди. Йигит сарой билан малика қасрининг оралигини қиёслаб, чоғлаб кўриб, қаср хужраларидин бирини кўрсатиб, иншооллоҳ, фалон кунда шул хужрадан чиқсам керак. Маликам ўшал кеча хабардор бўлиб тургайлар деб, саройға қайтиб келиб нақб кавлаш асбобларини соз айлаб, сарой хужрасидан бошлаб ҳар кеча нақб қазийшга киришди. Уша тайинланган кунда маликанинг қасридаги хужрадан бош чиқарди. Каниз ҳозир бўлиб турган эрди, маликаға маълум қилди. Малика кўп хурсанд бўлди. Нақбзан йигит дедиким, маликам сарой хужрасига бориб, саройни мунаввар қилурларму ёки шаҳзодамиз маликанинг зиёратларига келурларму деб, савол айлади. Малика жавоб бердиким, аввал бу кеча кудуми саодатни биз бечораларнинг кўзимиз узра қўйғайлар, Малика нақбзан йигитга ҳадсиз нақдиналар инъом қилиб узатди. Бир хонани ясатиб, ўзига оро бериб, канизни нақб олдиға қўйиб, мунтазир бўлиб ўтирди. Нақбзан йигит шаҳзодаға бу муждани етқурди. Шаҳзода ҳам ўзини зар-зевар бирлан бежаб, қўлиға машъални олиб, ёронлардин фотиҳа олиб, видолашиб маъшуқа томон йўл олди.

(Давоми бор).
Тургун ФАЙЗИЕВ тайёрлади.

Донишмандлар хазинасидан
**МАЛИКА
ҚАМАРЧЕҲРА ВА
ШАҲЗОДА САЛМОН
ҚИССАСИ**



Эсимда болалик чоғларим,
Уфорли гулларнинг нафаси.
Равиль Альбеков сурат-лавҳаси.

СЎЗ ТАГИДА СЎЗ БОР

Жаҳон бозорида ҳукмронлик қилаётган АҚШнинг пул бирлиги доллар атамаси на инглизчага ва на америкаликларга тегишли эмас. Гап шундаки, қадимги Пруссия Исахимеметал (ҳозирги Чехиянинг Яхимов) шаҳрида йирик қумуш танга зарб қилинган ва у шаҳар шарафига исахимеметаллар деб атала бошланган.

Лекин бу ном узундан-узоқ бўлгани сабаб қисқартириб таллер шаклида юритила борди. Вақт ўтиши билан голланд тилида ва кейинчалик америкаликлар талаффузида ўзлашган бу сўз доллар кўринишини олди.

Савдо ва молия соҳасида Тариф атамаси кўп учрайди. Айрим кишилар бу сўз Испаниянинг жанубий нуқтасидаги Гибралтар бўғозида жойлашган Тариф ороли номидан келиб чиққан деб ҳисоблайди. Араблар бу жойларни XIII асрда босиб олиб, шу ердаги номаълум оролчада бўғоздан сузиб ўтувчи кемалардан бож солиғи олиш учун текширув жойи ташкил этишган. Бу ерда текширув ишини бошқарган ҳарбий саркарданнинг номи Тариф бин Малик эди. Бу орол унинг номи билан атала бошланган. Ўз навбатида текширув ишлари ҳам жой номи билан тариф деб юритилган.

Вақт ўтиши билан бу ном йўловчи кемалар орқали узоқ йўлларга етиб борган ва савдо, молия соҳасида атама бўлиб қолди.

Турфа олам

ЎТИ ЙЎҚ...

Утюг — бу ўзбекча сўз бўлиб, ўти йўқ деган маънони билдиради. Ўзбек қизларига, келинларига шундай бир бокиралик борки, бундай ибо, имо-ишоратлар ҳеч бир халқда учрамайди.

Кўл ювиш учун сув тайёрланганда уни «иссиқ» ёки «қайноқ»роқ деб қўйилади. Утюг ҳам худди шунинг сингари иккинчи бир кишига берилаётганида «ўти йўқ» деб берилган экан. Уни эшитган рус ва бошқа халқлар унинг номи-

ни «утюг» деб аташган бўлишлари эҳтимол.

АСЛИ ТАТАРЧА СЎЗ

«Саратов» аслида русча эмас, татарча сўздир. Волга бўйидаги бу шаҳарни атроф-муҳитдан баланд тепаликлар қуршаган бўлиб, маҳаллий аҳоли уларни тов (тоғ) деб атайдди.

Аслида шаҳарнинг номи «Саритов» (бизнингча «Сариктоғ») бўлган. Бора-бора «Саратов»га айланиб кетган.

Акбар АЛИЕВ тайёрлади.



Шаҳримиз кўчалари тонг отарда.
Рашид Галиев олган сурат.

Ота ва она — шу икки муқаддас инсонлар ўз фарзандларини ўстириб, улғайтирадилар ва ҳаёт деб аталмиш кенг сўқмоқли йўлларга кузатишдан аввал, бизни устозлар қўлларига топширадилар. Устозлар ҳаётни танитгувчи муқаддас инсонлардир. Шу муқаддас инсонлар бизни ҳаётда ўз ўрнимизни топишимизда ота-оналаримиздек ўз меҳнатларини аямайдилар. Устозлар ўз шогирдлари билан тарбиявий ишларни, ақлий мулоҳазаларни олиб бориб, ота-ўғил сифатида бир-бирлари билан яқин алоқада бўладилар. Лекин ҳар қандай ота ўз фарзанди учун устоз вазифасини ҳам ўтайди.

«Устоз отангдан улуғ». Аммо ушбу келтирилган мақол чамамда оталарнинг фарзандлари олдигаги меҳнатларини кам қилиб кўрсатаётгандек. Менимча бу мақол бир ҳарфнинг ўзгариши натижасида кўпчилик одамлар орасида

Мулоҳаза

ОТА ВА УСТОЗ

шундай талқин қилинади. Аслида «Устоз отангдай улуғ» бўлиши керак.

Ота-она фарзандларини одоб-ахлоқли қилиб тарбиялайдилар. Устозларимиз эса ўз шогирдларига билим берадилар. Шу инсонларнинг биз фарзандлари учун қилаётган ҳаракатларининг мужассамлиги биз ёшларни келажакда ўз ўрнимизни топишга ёрдам беради. Демак, ота-оналарни ва устозларимизни ниятлари биз ёшларни, ўз фарзандларини маънавий етук, бар-

камол-инсон қилиб тарбиялаш экан. Кўча-кўйларда билиб-билмай ҳар хил ёмон иш қилиб қўйган ёшларга уларнинг ота-оналари, мактабдаги устозинг сенга нима ўргатаёпти ўзи, деб койишади. Лекин мактабдаги ҳар бир ўқитувчи фақатгина ўзларининг фанларини ўргатибгина қолмай, балки ўқувчиларнинг кўча-кўйда, оилада ўзларини қандай тутишлари лозимлиги тўғрисида ҳам айтиб ўтадилар. Мени фикримча мактабдаги «Одобнома» ёки бошқароқ ном олган шунга ўхшаш дарсликларга кўпроқ вақт ажратилса фойдадан ҳоли бўлмас эди. Бу дарсликларнинг асосий мавзуси бизнинг бой маънавийтимиз, қадимий удумларимиз, урф-одатларимиз ҳамда маданиятимизни қамраб олса ёш авлоднинг маънавий етуклиги янада ошиб боради. Уйда оталаримиз бераётган тарбияни ўқувчилар устозлари ёрдамида янада ўзлари ёритишга ҳаракат қилсалар, менимча уларнинг фидойиликлари, ватанга содиқликлари шу икки муқаддас инсонларнинг ҳаракатлари қўшилмаси орқали мустаҳкам бўларди.

Улуғбек НУРМУҲАМЕДОВ.

ХАНДАЛАР

Ўқувчи ўқитувчига хат йўллабди:

«Мен сизни севаман»,
Ўқитувчи бунга жавобан:
«Ёш болаларни ёқтирмайман».
Ўқувчи иккинчи хатни йўллабди:
«Ваъда бераман, бола бўлмайди».

Ресторанда хўранда менюни диққат билан ўқиб чиқиб:
— Менга бир кишилик ахвледияни келтирсангиз, — деди.
— Бунинг иложи йўқ.
— Нега ахир?
— Ахвледияни — бу бизнинг директоримиз.

Хирург кабинетига бир одам қорнига вилка санчилган ҳолда югуриб кирди:

— Доктор! Ёрдам беринг!
— Иложим йўқ. Иш вақтим тугади.
— Нимадир қилсангизчи!!!
— Жароҳат туфайли кўзингизга қон қуйилибди, олдин окулистга кириш, у соат еттигача қабул қилади, — деди.

— Агар вокзалга чиқиб менинг қайнонамни кутиб олсанг сенга 10 доллар бераман.
— Агар у келмасачи?
— У ҳолда икки баравар кўп оласан.

Солдат госпиталда ётган дўстини кўриб келиб, ўртоқларига деди:

— Егор ҳали узоқ вақт даволана экан.
— Уни даволаётган доктор билан гаплашдингми?
— Йўқ, мен ҳамширани кўрдим.

— Айтишчи, доктор мен ўламани?
— Албатта.
— Қачон? Тез орадами?
— Ваҳима қилманг, ҳали анча бор. Яна бир-икки ой ҳаётдан баҳраманд бўласиз.

Бир бола полиция участкасига югуриб кирди:

— Ёрдам беринг, анави ерда мени дадамни уришяпти.
Полиция югуриб чиқиб қараса, икки эркак ёқалашишяпти.
— Ҳозир уларни ажратаман. Қайси бири сенинг даданг?
— Улар худди шуни ҳал қила олишмай уришишяптида.

Шаҳноза ИНОФОМОВА тайёрлади.



Ёз айна дам олиш мавсумидир. Бу паллада болалар сўлим гўшаларда мириқиб ҳордиқ чиқаришади. Уларнинг қай бири теннис, яна қай бири шахмат ўйинлари билан банд бўлсалар, яна қай бирлари футбол ўйини билан машғул бўладилар. Хуллас, уларнинг ҳар бир дақиқаси мароқли ўтмоқда.

Равиль Альбеков олган суратлар.



Шарқ дурдоналари

ОЗ ОЗ ҲАҚИД ДОМО БЎЛМҲ...

◆ Одамнинг баракали ва бадавлат бўлиши учун касбу хунардан қимматроқ мато йўқ ва улуглик ҳамда саодат осмони учун эса қобилиятдан ёрқинроқ юлдуз йўқдир. Хунар суви билан суғорилмаган киши, гўёки мева ва сояси йўқ куруқ дарахтага ўхшайди. Ёки ҳид ва рангдан ҳолий гулга монанддир. Дарҳақиқат бу фирдавсмонанд гулшаннинг райҳонлари ҳидидан диюғини муаттар қилган киши хилма хил камёб лаззатли неъматлардан баҳраманд бўлади. Бу неъматнинг ёқимли майдан бир журъа тотмаган киши доимо бахтсизлик ва ожизлик билан боши оғриб, ҳумор бўлиб юради. Кўп азоб ва уқубатлар юқини елкасида кўтариб юришга мажбур бўлади. Билим ва ҳақиқат боғининг боғбонлари касбу хунарсиз кишиларни жамиятнинг разил ва пасткаш кишилари деб ҳисоблаганлар. Касбу камолсиз кишининг муҳаббати ҳеч бир дилдан жой топмайди ва ҳеч ким касбу хунарсиз кишига ёрдам қўлини чўзмайди. Муаллиф:

Хунар билан ҳаётнинг нахлин эгаллаганларга, Саодат хазинасин қалити муяссардир.

Бархурдор ибн МАҲМУД.

◆ Отамиз оиланинг узоғини яқин ва йўғини бор қилиш учун доимий ҳаракатда бўлади. У бизнинг яшашимиз учун уй-жой ҳозирлайди. Кийдириш учун кийим-кечак топади. Ичишимиз ва ейишимиз учун овқат топиш пайида бўлади. Борингки, ҳар бир оиланинг равнақи учун биринчи галда ҳаракат қиладиган киши отадир.

Болалар! Ота-боболаримиз биз учун тер тўкиб ҳаракат қилишни, қўлидан келган барча яхшиликларни биз учун муҳайё қилиш йўлида жон-жаҳди билан меҳнат қилаётганликларини билишимиз, бунинг шукронаси учун уларга итоат қилиш, айтганларини қулоқ қоқмай бажаришимиз, отамиз чарчаган онда ва ёрдам керак бўлган пайтда дарҳол ёрдамга шошилишимиз, фарзандлик бурчини ўташ учун ҳамиша шай туришимиз керак.

Ҳар бир фарзанднинг ота-онага ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиши ва уларга нисбатан шафқат ва марҳаматларини ишга солиши муҳим вазифаларидан биридир. Ўз ота-онасини рози қилмайдиган, уларни ранжитадиган фарзанднинг иши ҳеч қачон олға босмайди ва элнинг олдига обрўйи бўлмайди.

Мустафо ҲОМИЙПОШШО.

◆ ҲИҚМАТ. Бир ҳақимдан:

— Ғариб ким? — деб сўрадилар.

— Дўстсиз киши! — деб жавоб берди у.

◆ Дўстларнинг ғамини егил доимо,

Дўстлар хурсанд бўлса дўст ҳам хурсанддир.

Ҳар кимса дўст учун кисса банд қилса,

Билгинки, ўзи ҳам лойиқки банддир!

◆ ҲИҚМАТ. Дўст шундай кишики, у ҳеч қачон ўз дўстидан нарасини аямайди. Мол учун ҳасис ва бахил бўлган кишидан дўстлик кутиб бўлмайди.

Муиниддин ЖУВАЙНИЙ.

◆ Дунё сафоси билан, дўст вафоси билан гўзал.

Ўз дўстининг айбини очиб юрган киши разил кишидир.

Ёмон одамга йўлдош бўлгандан кўра ўтда куйган яхши.

◆ Кимнинг дўст ва кимнинг душманлиги оғир кунларда билинади. Душман юзига кулиб боқ.

Гоҳи кулиб боқса, гоҳи тўнд инсон,

Ундан узоқ юрган маъқул ҳар қачон!

Душманга бўйин эгиш ўлимдир.

Душманга қарши ҳийла ишлатмасанг, душман ҳийласидан ўласан.

«Аталар сўзлари»дан.

◆ Сен душманни бечора деб ҳисоблама. Чунончи Шайх Саъдий айтади:

Пашшалар қутирса йўғон жуссали,

Филли ҳам қулатиб ғамга солади.

Ўзаро бирлашса агар ҷумоли,

Шернинг терисини шилиб олади!

◆ Энг ақлли киши шундай кишики, давлат ва мартабага эришган пайтда ҳам доимо камтарликни ўзига шиор қилиб олади. Ва таъзим-тавозеъда бўлади. Бадасл кишилар эса бундай кишининг тамоман аксидир. Улар давлат ва мартабага эришди, дегунларича кеккая бошлайдилар ва мағрурлик кўчасига кириб, ҳеч кимни менсимай қўядилар!

Муҳаммад ЖАБАЛУДИЙ.

◆ Махфий қолмасинким, парҳезгарлик варақларини ушлаб турувчи шерозанинг таянчи — бу уйланиш ва покиза аёлларга совчи қўйишдир. Уйланиш ва покиза аёлларга муҳаббат қўйиш одамнинг кўнгил чирогининг равшан бўлишига ва кишиларнинг ҳаётдан баҳри топишига, таносил аъзоларининг саломатлигига сабаб бўлади!

Бархурдор ибн МАҲМУД

◆ «Жомий ул-ҳикоёт» китобида ёзилишича, ҳар бир ишни амалга оширишда гумон билан иш тутмаслик, пасткаш кишиларнинг сўзига ишонмаслик, ғаразли одамларнинг гапига эътибор қилмаслик зарур. Киши ҳар қандай ишда ўзига-ўзи ҳоким бўла олиши мумкин. Бунинг учун эса машқ қилиш керак.


◆ Вақтни бекор ўтказиш аҳмоқликдир.

◆ Бекор юргандан кўра душманга тош ташиган афзал.

Абулбарокот ҚОДИРИЙ.

Форс, араб, турк тилларидан

Маҳмуд ҲАСАНИЙ таржималари.



Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ

Муассис:
Тошкент шаҳар
ҳокимлиги

Манзилимиз: 700000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:

хатлар — 133-29-70;

эълонлар:

133-28-95, 132-11-39.

факс: (3712) 133-29-09.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида
босилади. Қоғоз бичими А-2

Душанба, чоршанба
ва жума
кунлари чиқади.

Нашр кўрсаткичи — 209

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №10.

Нашрни етказиб бериш масалалари буйича турар жойлардаги
почта бўлимларига ёки «Тошкент почтаси»га — 133-74-05
телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни
босмаҳонаси. Корхона манзили:
«Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.